

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 633.51+631.84

МАМАТОВА Раиса Рўзимуродовна

**ЭКИШ БИЛАН БИР ВАҚТДА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ**

**5А620201 – Пахтачилик мутахассислиги бўйича
магистр даражасини олиш учун**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар, қишлоқ хўжалик
фанлари номзоди, доцент
О. Х. Худойқулов**

Самарқанд – 2008 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	8
1.1. Ғўза парваришида ўғитларни қўллаш самарадорлиги.....	8
1.2. Ғўза ўстиришда ўғитлаш муддатлари ва меъёрларини мақбуллаштириш.....	14
1.3. Ғўзанинг озик моддаларни ўзлаштириши бўйича биологик конуниятлар.....	22
2. ТАЖРИБАДА ҒЎЗА ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	27
3. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ.....	31
3.1. Тажриба даласи тупроқлари тавсифи.....	31
3.2. Тажриба ўтказилган йил иқлим кўрсаткичлари.....	34
3.3. Тадқиқот мақсади, вазифалари ва объекти.....	35
3.4. Тадқиқот ўтказиш услублари.....	37
3.5. Тажрибада экилган нав тавсифи.....	40
4. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ.....	42
4.1. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши.....	42
4.2. Барг юзасининг шаклланиши, куруқ модданинг тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги.....	44
4.3. Ғўза ҳосилдорлиги.....	50
4.4. Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари.....	51
4.5. Экиш вақтида тупроқдаги минерал азот миқдорлари.....	53
4.6. Вегетация даврида тупроқдаги минерал азот миқдорлари.....	58
4.7. Азотли ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрларининг ҳаракатчан фосфор миқдorigа таъсири.....	62
4.8. Ғўзанинг озик моддаларни ўзлаштириши.....	65
4.9. Экиш билан бирга азотли ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги.....	66
ХУЛОСАЛАР.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР, БИРЛИКЛАР, КЎРСАТКИЧЛАР ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ТЕРМИНЛАР РЎЙХАТИ

Қисқартмалар:

Ўз ҚСХВ – Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ўз ҚХИИЧМ – Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш
маркази

Ўз ҚЧЭИТИ – Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий –
тадқиқот институти

ж -журнал

сб- сборник

ш– шаҳри

й – йил

йй – йиллар

Бирликлар:

мг- миллиграмм

г-грамм

г/см³ – грамм сантиметр куб

г/см² – грамм сантиметр квадрат

г/м²– грамм метр квадрат

мг/кг- 1 килограммда миллиграмм

кг-килограмм

ц-центнер

т- тонна

га- гектар

т/га- 1 гектардан тонна

ц/га – 1 гектарда центнер

г/л – гекта/литрда

млн.-миллион

мм-миллиметр

см-сантиметр

см² – сантиметр квадрат

см³ – сантиметр куб

м- метр

м²- метр квадрат

м³- метр куб

⁰С- цельси бўйича даража

% -фоиз

Символлар:

ЭАФ₀₅- энг кам аниқликдаги фарқ,

Р %- тажриба аниқлиги, фоиз ҳисобида

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда пахта ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари юқори бўлиб, бунга фақат илм фан тавсиялари ва илғорлар тажрибаларига тўлиқ риоя қилиш орқали эришиш мумкин.

Шундай экан, бугунги кунда мутахассислар ҳам, олимлар ҳам, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб, ҳар бир тупроқ – иқлим шароитидаги тупроқнинг унумдорлик ҳолати, парваришlash агротадбирлари тизимидаги узилишлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа техника воситалари, ёқилғи – мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, сув таъминоти ва шу кабилар билан боғлиқ қандай муаммолар содир бўлаётганлигини аниқлаб олиш ва уларнинг ижобий ечимини излаб топиши зарур.

Бу борада Республика ҳукумати қатор қарор, фармон ва қонунлар ишлаб чиқмоқда – ки, уларнинг самараси сифатида ишлаб чиқаришда олинаётган ҳосил йилдан – йилга ошиб бормоқда. Зеро, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ва республикамиз ҳукумати изчилик билан амалга ошираётган аграр сиёсат мустақил Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигини ривожланган давлатлар даражасига етказишга, аҳолини озиқ – овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўла қондиришга қаратилган.

Юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ўсимликларни ҳар бир ривожланиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда озиқ моддалар

билан етарли миқдорда озиклантиришни таъминлайдиган тадбирлар тизимини билиш зарур.

Ўсимликларни озиклантириш жараёнининг бузилиши ҳосилга кучли салбий таъсир кўрсатади. Вегетация даври давомида ўсимликнинг эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминловчи озиклантиришнинг мақбул тизими ёрдамида ҳосилнинг юқори бўлишига эришиш мумкин.

Ғўзани озиклантиришга турлича ёндошиш учун биринчидан ривожланишнинг ҳар бир даврида озикланиш муҳитига бўлган талабни яхши билиши; иккинчидан, ўсимликнинг ҳолати, ташқи кўринишига қараб озиклантириш шарт – шароитлари эҳтиёжга жавоб бериш – бермаслигини тез аниқлаб олиш; учинчидан, ҳосил шаклланишининг мақбул шароитларини вужудга келтириш мақсадида озикланиш жараёнига ўз вақтида таъсир кўрсата билиш зарур.

Ғўзани ўғитлаш, озиклантириш борасида илмий асосланган кўп йиллик тажрибалар борлигига қарамасдан, амалиётда айрим ҳолларда унга қўпол тарзда амал қилмаслик натижасида нафақат ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, қолаверса тупроқ хоссаларида салбий ўзгаришлар юзага келмоқда.

Ғўза азот, фосфор, калий каби озик моддаларга анча талабчан ўсимлик ҳисобланади. Азотли ўғитларни ғўзада самарали муддатларда қўллаш қишлоқ хўжалик фанининг асосий мавзуларидан биридир. Пахтачиликни кимёлаштиришнинг дастлабки даврида бу масалага бағишланиб кўпчилик тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар ўтказилган.

Тадқиқотларда ғўза ўсув даврининг турли пайтларида озик моддаларни, айниқса азотни турлича талаб қилиши аниқланган. Ўсимликнинг бу талабини яхши билиш ва унга ўсув даврида қулай озикланиш шароитини яратиб бериш миқдор ва сифат жиҳатдан пахта ҳосилига маълум даражада таъсир кўрсатиш имконини беради.

Ўсимликнинг индивидуал ривожланишида умумий озикланиши бўйича бир – бирдан фарқ қилувчи даврлар мавжудки, ана шу давр давомида минерал моддалар билан озиклантириш режимини мақбуллаштириш асосида ўсимликнинг ўсиши, ривожланишида самарали ўзгаришларга эришиш мумкин. Айниқса, бу янги навларнинг ўғитлаш тизимини ишлаб чиқишда муҳимдир.

Тадқиқотнинг янгилиги. Ғўзани озиклантириш борасида юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда озик моддалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шу боисдан ғўзани озикланиш режимини тўғри шакллантириш шу куннинг долзарб муаммоларидан деб билиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Бундан ташқари, азотли ўғитларни чигит экиш билан бирга турли меъёра, ўсув давридаги озиклантиришларда берилгандаги таъсирини, жумладан, азотли озикланиш режимининг шаклланишини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланиб, ушбу магистрлик диссертацияси ишининг мазмуни ҳам ана шу масала ечимига қаратилган.

Мақола чоп этиш. Мавзу бўйича 5 та илмий мақолалар чоп этилган

Диссертация ишининг таркиби ва ҳажми. Иш кириш, 4 та боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. У 78 бет компьютер текстидан иборат бўлиб, 15 та жадвал, 4 та диаграммани ўз ичига олади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 62 та.

Иловада чоп этилган мақолалар нусхалари қайд этилган.

1. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Ғўза парваришида ўғитларни қўллаш самарадорлиги

Ғўзани озиклантириш тартибини, минерал ўғитларни бериш меъёрлари, муддатларини шунга мос ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ғўзадан юқори, барқарор ҳосил олиш тадбирлари орасида ўғитлардан фойдаланиш алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис мамлакатимизда ва хорижда ўғитларни қўллаш самарадорлигини оширишга оид кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Минерал, хусусан азотли ўғитларнинг самарадорлигини ошириш шу куннинг устивор, долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотларда республикамизнинг турли тупроқ – иқлим минтақаларида ғўзанинг ҳар хил навларига, уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ўғитларнинг таъсири қиёсий жиҳатдан ўрганилган.

Д.Сатторовнинг (1980) типик бўз ва бўз – ўтлоқ тупроқларда ўтказган тажрибалари шуни кўрсатадики, минерал ўғитлар меъёрлари пахта ҳосилига ҳам, тола миқдorigа ҳам таъсир этган. Ўғитлар меъёри типик бўз тупроқларда гектарига азот 200 килограмм, фосфор 150 килограмм, калий 100 килограмм меъёрда қўлланганда ғўзанинг Тошкент – 1 навидан 30,5 центнер, жумладан тола ҳосили 11,43 центнер бўлган. Минерал ўғитлар меъёри оширилганда (300 кг /га азот, 300 кг/га фосфор ва 150 кг/га калий)

худди шу навадан энг юкори ҳосил (42,2 ва 42,7 ц/га) ва тола (15,41 ва 15,49 ц/га) олишга эришилган.

ЎзПИТИ Хоразм тармоғида ўтказилган тадқиқотларда (Эримов, Йўлдошев, 1980) ғўзанинг еттига нави икки хил ўғитлаш фонида (200:200:100: ва 350:350:100) синалганда 108 – Ф, Хоразм – 76 навларида кўсақлар сони юкори меъёрадаги ўғитлаш фонида нисбатан кўп бўлиб, тола узунлиги, тола чиқиши ва 1000 дона чигит оғирлигига ҳам самарали таъсир этган.

С.Яллаев (1980) Бухоро вилоятининг бўз – қўнғир тупроқли ерларида ғўза ўстиришда азотни 320 кг/га, фосфорни 180 кг/га миқдорда қўллашни энг мақбул меъёр сифатида тавсия этади. Азотли ўғитлар йиллик меъёрини 260 кг дан 320 кг/га ерга ошириш пахта ҳосилининг 3,1 центнер кўпайишига, фосфорли ўғит меъёрини 180 килограмм дан 250 кг/га ошириш эса ҳосилнинг камайишига олиб келган. Тажрибада азотли ўғитларнинг 30 фоизи чигит экиш олдида, 10 фоизи экиш билан, қолган қисми икки мартаба озиклантиришида, фосфорли ўғитларнинг 40 – 50 фоизи кузги шудгорлашда, 15 – 20 фоизи экишдан олдин, қолган қисми иккинчи озиклантиришда, калийли ўғитларнинг 50 фоизи шудгорлашда ва 50 фоизи биринчи озиклантиришда берилган.

Х.Усмоновнинг (1981) тажрибаларида минерал ўғит ва чилпишнинг ғўза ҳосили ва технологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган бўлиб, гектарига 250 кг азот, 125 кг фосфор ва 125 кг калий қўлланилганда ва чилпиш ўтказилмаган ғўзаларда битта кўсақдаги пахта оғирлиги 6 г, 10 та

ҳосил шохи бўлганда чилпиш ўтказилган ғўзаларда 6,4 г, 14 та ҳосил шохи бўлганда чилпиш ўтказилганда 6,3 г ни ташкил қилган. Минерал ўғитлар юқори меъёрада (375:250:125: кг/га) қўлланилган ғўзаларда 16 та ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказилганда битта кўсакдаги пахта оғирлиги энг юқори (6,5 г) бўлган. Аммо, ғўза 12 та ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказилиб, ўғитлар азот – 250 кг, фосфор – 125 кг ва калий – 125 кг қўлланилганда энг кўп – 37,5 % тола олиниб, ўғит меъёри оширилганда тола миқдорининг камайиши кузатилган.

И.Маликовнинг (1981) Самарқанд вилоятининг ўтлоқ – бўз тупроқлари шароитида ўтказилган тажрибаларида гектарига 200 кг азот, 200 кг фосфор ва 100 кг калий қўлланганда ғўза ўғитлардан (1 кг азот ҳисобига 25,2 кг пахта) энг кўп фойдаланганлиги аниқланган.

В.Дубоносов, М.Баракаевларнинг (1982) Самарқанд вилоятининг ўтлоқ – бўз тупроқларида ўтказган тажрибаларининг кўрсатишида, гектарида 110 – 120 минг туп қалинликда ғўзани 200 кг азот, 140 кг фосфор ва 100 кг калий қўллаб, ДНС га нисбатан 65 – 65 – 60 % режимда суғорилганда АН–Самарқанд – 2 навидан 48,1 центнер ҳосил олинган.

И.Бобожонов, Х.Адхамовлар (1982) ўтказган тадқиқотларининг кўрсатишича аммофос ўғитини локал – лентали усулда солиш, ўғитнинг самарадорлигини оширади. Экиш билан бир вақтда аммофос КРХ – 3,6 култиватор ўғитлагичи билан чигит экилган қатордан 5 – 7 см узоқликда, 16 – 18 см чуқурликка, ғўзалар гуллай бошлаганда эса мочевина ёки аммиакли

селитра билан тегишли меъёра аралаштириб, қатордан 20 – 22 см узоқликда, 16 – 18 см чуқурликка солинса, ғўзалар ундан самарали фойдаланади.

С.Юлдошев, К.Камоловаларнинг (1983) тадқиқотларида ғўза қатор ораси 60 см бўлганда гектарига 250 кг азот, 175 кг фосфор ва 125 кг калий берилганда ҳар кг азот ҳисобига вариантлар бўйича 9,2 дан 21,2 кг гача, қатор ораси 90 см бўлганда эса 7,2 – 13,1 кг пахта олинган. Азот меъёрини 350 кг, фосфорни 245 кг ва калийни 175 кг гача ошириш ҳар кг азот ҳисобига олинадиган пахтани 4 – 5 кг камайишига олиб келган.

С.Майлибоев, С.Искандаров, Б.Даштановларнинг (1983) таъкидлашича, азотли ўғитларнинг аммиакли ва амидли турларини чигит экишдан олдин солиш ёш ғўзаларни азотли озиқлар билан таъминлаб, уларнинг яхши ўсишига, ривожланишига ва ҳосил тўплашига ижобий таъсир қилади ва азотли ўғитни нитратли турига нисбатан 2,7 – 4,0 центнер қўшимча ҳосил олишни таъминлайди.

Тола чиқиши ва миқдори ўғитларни солиш меъёри ва нисбатларига қараб ўзгаради, яъни А.Шомуродов (1986) тадқиқотларида ғўзанинг 5904 – И ва Т – 14 навлари гектарига 250 кг азот, 140 кг фосфор, 100 кг калий қўлланилгандагига нисбатан ўғитлар меъёри оширилиб, 300: 210: 150: кг/га берилганда энг кўп (мос равишда 33,1 – 38,4 %) тола олинган. Аммо ўғитлар меъёрини янада ошиши ушбу навлардан олинадиган тола миқдорини оширмаган.

Т. Хўжаевнинг (1987) тажрибаларида гўнгни минерал ўғитлар билан бирга солиш ғўзанинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Гектарига

250 кг азот, 175 кг фосфор ва 125 кг калий қўлланганда 10,3 дона, 300 кг азот, 210 кг фосфор, 120 кг калий қўлланганда 11,1 дона кўсак тугилган, ушбу ўғитларга 20 тонна гўнг қўшиб ишлатилганда 12,6: 12,9 дона, 40 тонна қўшиб қўлланганда 13,6: 14,6 донагача кўпайган.

Гўнг солинган ерда азотли ўғитларни ишлатиш муддатларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича (Хидирназаров, 1987), гўнг солинмаган ерга азотнинг йиллик меъёрини 25 – 50 % ини экиш олдида ва қолган қисмини ўсув даврида ишлатилганда гектаридан 41,8 – 42,8 центнер пахта олинган. Гўнг солиш фонида эса азотнинг фақат 50 % и экиш олдида, қолган қисми шоналаш ва гуллаш даврида солинганда ўсимликлар жадал ўсиб, ривожланиб гектаридан 45,4 центнер пахта ҳосили олинган.

Н.Иброхимов, Х.Абдурашидов, Сиддиқоваларнинг (1992) таъкидлашларича, ғўзага азотли ўғитлар ва гўнгнинг турли меъёрларини биргаликда қўллаш натижасида азотли ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини 41,0 – 47,5 % ва пахта ҳосилдорлигининг энг юқори (33,8 – 35,1 ц/га) бўлиши 20 – 40 тонна гўнг билан 125 кг азот солинганда эришилган.

И.Ниёзалиев, А.Абдужалолов, Х.Адхамовларнинг (1996) маълумотларига кўра, республиканинг турли тупроқ – иқлим шароитида азот меъёрини гектарига 200, 250, 300, 350 кг миқдорини 150 кг фосфор ва 100 кг калий фонида қўллаш ҳамма вилоятларда ҳам азот меъёрини 300 кг гача ишлатилганда пахта ҳосилига самарали таъсир этган. Бухоро, Наманган,

Андижон, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида азотнинг миқдорини 305 кг/га ошириш ҳосилдорликка салбий таъсир этган.

Х. Ахмаджоннинг (1996) таъкидлашича, йиллик азот меъёрининг 15 – 20 %, фосфор ва калийнинг 50 % и чигитларни экиш олдида ишлов пайтида, азотнинг 20 % ва фосфорнинг 30 % и экиш билан бир вақтда 10 – 12 см чуқурликка, чигитдан 4 – 5 см узоқликда солинса ва азотнинг қолган қисми шоналаш ва гуллаш бошида ўсимликлар қаторидан 15 – 17 см узоқликда, 15 – 17 см чуқурликка берилса, ғўзалар 7 – 9 кун олдин етилиши билан бирга 4 – 5 центнер кўп ҳосил беради.

Ўртача ва унумдорлиги паст тупроқларда гектарига минерал ўғитларни 250 кг азот, 180 кг фосфор, 100 – 120 кг калий солинса ва ўтлоқ тупроқларда азот миқдори 20 – 30 кг/га камайтирилиб, фосфор ўғити 10 – 15 % га оширилади. Бунда азотни 3 муддатда, биринчи марта ниҳоллар 3 – 4 чинбарг чиқарганда гектарига 50 – 60 кг, иккинчи марта ёппасига шоналай бошлаганда ва учинчи марта ёппасига гуллаш даврида, фосфорни икки муддатда, шудгорлашдан олдин (130 – 140 кг/га) ва шоналаш – гуллаш (40 – 50 кг/га) даврида, калийнинг 50 % и шудгор остига ва 50 % и ғўза шонага кирганда берилиши тавсия этилади (С. Рахмонқулов 1998).

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича ғўза ҳосилдорлиги ҳар бир минтақанинг тупроқ – иқлим шароитига, навга, экиш усулларига, суғориш режими ва ҳакозаларга боғлиқ бўлиб, ўғитларнинг самарадорлигига турли омиллар таъсир қилиши, айниқса ўғитларни бериш муддати ва меъёрининг таъсири катта эканлиги ўрганилган.

1. 2. Ғўза ўстиришда ўғитлаш муддатлари ва меъёрларини

мақбуллаштириш

Ғўза ўсув даврининг бошланғич фазасида нисбатан кам озикча моддаларини талаб қилади (Малинкин ва бошқалар, 1951), аммо ўсиш ва ривожланишида озик моддалар билан таъминланганлиги муҳим аҳамиятга эга, чунки ўсиш жараёнида майда тўқималар кучли энергияни, кучсиз илдиз тизими эса алоҳида шароит яратилишини талаб қилади (П.Протасов, 1965; Г.Яровенко ва бошқалар 1971).

П. Протасов ва бошқалар (1980), М. Белоусов (1960), Г. Яровенко ва бошқалар (1971), Т.Зокировларнинг (1987) аниқлашича, ёзги даврда аммиакли азот ўғити тупроққа солинганда бир неча кун ўтгандан кейин натрийли бирикмага ўтади, сизот сувлари яқин жойларда унинг йўқолиши ҳам кузатилади. Ёзги даврда тупроқ юзасидан намликнинг кучли буғланиши туфайли ювилган нитратлар тупроқ юзасининг куруқ қатламига тезлик билан кўтарилади ва ўсимликлар учун лаёқатсиз шаклга ўтади.

П.Протасов, Ф.Қодирхўжаев (1980) ва бошқаларнинг аниқлашича, пахта билан банд бўлган суғориладиган ўтлоқ тупроқларда азотнинг минерал шаклдаги захираси баҳордан ёзнинг ўрталаригача ўсиб боради. Кейинчалик нитрификаторлар ҳаёт фаолияти шароитининг ёмонлашиши туфайли (аэрациянинг ёмонлашганлиги ва энергетик материалнинг камайиши) биологик олиб чиқишнинг ошиши тупроқ таркибидаги ортикча ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклдаги азот миқдорининг камайишига сабаб бўлади. Тупроқ таркибидаги бу шаклдаги азотнинг сақланиши ғўза ўсув даврининг

иккинчи яримида шунчалик камаядики, унинг миқдори ўғитланмаган вариантдаги даражага келиб қолади.

Шу муносабат билан ўсимликларнинг бутун ўсув даври мабойнида азот билан озиқланишини мақбуллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд вилояти шароитида ғўзага азотли ўғитларни солишнинг йиллик миқдори - режалаштирилган миқдорда ҳосилдорликнинг турли йўналишларида бедадан кейин 4 – 6 йилларда агротехник тавсияномага кўра гектарига 220-300 кгни ташкил этади. Азот миқдори 250 – 300 кг бўлганда азотдан фойдаланиш ирригация эрозиясига учраган тупроқларда 30 – 40 % н ташкил этиб, бундаги кўп миқдордаги йўқолиш асосан суғориш натижасида нитратли азотнинг ювилиши билан боғлиқ бўлади (Ф.Хошимов ва бошқалар, 1986; 1987).

Маълумки, карбонатли тупроқларда аммонийли ва амидли шаклдаги азотли ўғитларни ишлатишда нитрификация жараёни 10 – 15 кун мабойнида ўтади, сизот сувлари яқин бўлган тупроқларда суғориш натижасида нитратлар осонгина сизиб (инфилтрация) коллектор – зовур тармоқларига ювилиб кетади.

Дарҳақиқат, ўсимликларни турли ривожланиш фазаларида азот билан таъминланиши ўғитларни қўллаш муддати, нитрификация жараёни тезлиги ва солинган ўғитларнинг ювилиши натижасида йўқолиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу масалаларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ўсимликка озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши унда биологик массанинг тўпланиш даражасига боғлиқ. Ғўза ниҳоллари униб чиққандан

сўнг ёппасига шоналаш давригача солинадиган азот ва фосфорнинг 8 – 10 % ини, калийнинг эса ундан ҳам камроғини ўзлаштиради. Бу озик моддаларни энг кўп талаб қиладиган даври гуллаш ва кўсакларнинг пиша бошлаши, яъни ғўзанинг энг жадал ўсадиган пайтига тўғри келади. Ғўза қийғос гуллаш пайтигача аксарият азотни кўп ўзлаштиради, бу пайдан бошлаб ўсув даврининг охиригача фосфор ва калийга талаби ортади (М.Белоусов, 1960).

Минерал ўғитлар, ғўзанинг озик моддаларини энг кўп ўзлаштира бошлашидан олдинроқ, илдизларнинг асосий қисми таралган қатламга солиниши керак. Бундан ташқари, ғўзанинг ниҳоллари озик модданинг нисбатан кам миқдорда ўзлаштиришидан қатъий назар, бу пайтда уларнинг илдизлари унча яхши ривожланмаганлиги сабабли ўғитлар ўсимлик талаб қилинадиган миқдордаги кўпроқ меъёрга солиниши лозим. Шунинг учун ҳам ўғитлар чигит экиш олдида, экиш билан бир пайтда солинади ва озиклантиришнинг одатдаги муддатидан илгарироқ ўтказилади (П.Протосов, Ф.Қодирхўжаев, 1980).

Суғориладиган деҳқончилик шароитида минерал ўғитларнинг самарадорлиги, аввало тупроқ унумдорлигига, шунингдек вегетация давридаги тупроқ намлигига бевосита боғлиқ. Ўсимликлар тупроқдан озика элементларини фақат сувда эриган ҳолатда ўзлаштиради.

Ўғит меъёрлари суғориш тартиблари ва кўчат қалинликларидан қатъий назар тупроқдаги нитратли азот миқдори баҳордан ёзга қадар ортиб, кузга келиб камайиши аниқланган (Х.Т.Рискиева, 1989). Бу ҳолат тупроқ ҳароратининг кўтарилиши ва микробиологик жараёнларининг жадалашуви

билан боғлиқ. Э. С. Қодиров (2004) тадқиқотларида, азот 150, фосфор 105, калий 75 кг/га меъёрида, кўчат қаланлиги 80 – 90 минг туп гектарга бўлганда гуллаш даврига келиб нитрат шаклидаги азот миқдори 21,5 мг/кг ни ташкил қилган бўлса, кўчат қалинлиги 110 – 120 минг туп/га ортиши билан 20,5 мг/кг ни ташкил қилган. Юқорида қайд этилган кўчат қалинлигида ўғитлар меъёри азот 200, фосфор 140, калий 100 кг/га бўлганда бу кўрсаткич 23,5 ва 23,0 мг/кг ни ташкил этган.

Тупроқ намлиги ЧДНСдан 70 – 70 – 65 % га ортиши билан бирга вариантларда нитрат шаклидаги азот миқдори бир оз камайганлиги кузатилади. Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорининг ўзгаришида ҳам барча вариантларда нитрат шаклидаги азот кам эканлиги аниқланган. Кўчат қалинлиги гектарига 110 – 120 туп бўлиб, ўғитлар меъёри азот 200, фосфор 140, калий 100 кг/га, тупроқ намлиги ЧДНСдан 70 – 70 – 65 бўлганда ғўза ривожланишининг 2 – 3 чинбаргли даврида ҳаракатчан фосфор миқдори 29,1 мг/кг ни ташкил қилган бўлса, пишиш даврига келиб бу кўрсаткич 33,8 мг/кг бўлганлиги аниқланган.

Ўғитлардан фойдаланишга оид тавсияномаларда ўғитни чигит экишдан олдин ҳайдалган ерларга, экиш вақтигача яқин муддатда солишга катта аҳамият берилган. Бу пайтда азотли ўғитни шу муддатга белгилиб кўчирилган қисми, катта меъёрда сув бостирилиб шўри ювиладиган майдонларда эса фосфорли ўғитнинг кузги шудгорлашда бериладиган қисми солинади.

Азотли ўғитларнинг сувда яхши эриши сабабли баҳорда ёғингарчилик кўп бўладиган жойларда ўғитни юза сепадиган мосламалардан фойдаланишни аҳамияти йўқ, бунда ўғит қуйи қатламларга ювилиб кетади. Экиш пайтларида ёғингарчилик кам бўлганда (50 мм дан кам) азотли ўғитларни солишда уни ғўза яхши фойдалана оладиган қатламга тушишини таъминлайдиган қуролларни (ЧКУ – 4 ёки култиватор ўғитлагич) ишлатиш мақсадга мувофиқдир (Д. Сатторов, 1980).

А.Авлиёқулов (2004) тажрибаларнинг кўрсатишича, белгиланган йиллик азот меъёрининг 25-30 % и чигит экишдан олдинги муддатларда солинганда пахта ҳосили 2,5 центнерга ошган. Экиш олдида азотли ўғитлар ЧКУ – 4 ўғитлагич ёрдамида 15-18 см чуқурликка кўмилади ёки ер бетига сочилиб, кетма – кет чизил ёки диски борона юргизилади.

Чигит экиш олдида азотли ўғитнинг ҳар қандай турини ишлатиш мумкин. Бу пайтда фосфорли ўғитни тупроққа кўмиш чуқурлигини белгилашга алоҳида этибор берилади. Уни ёш ўсимлик мумкин қадар кўпроқ фойдалана оладиган чуқурликка солиш жуда муҳимдир. Шунинг учун бу ўғит тупроққа 15 -18 см ЧКУ-4 култиватор ёки ўғитлагич билан чуқурлика кўмилиши керак. Айрим ҳолларда фосфорли ўғитни ер бетига солиб чизел ёки оғир дискали барона билан 10-12 см чуқурликдаги қатламга аралаштириб юбориш мумкин. Лекин бу усулда солинган ўғитнинг самараси кам бўлади (Н.Н.Малинкин, 1967).

М.А.Белоусов, Н.Н.Зеленин, В.П. Кондратюк (1976) тажрибаларнинг кўрсатишича, чигит экишдан олдинги муддатларда тупроқ бетига солинган

Ўғитни тупроққа кўмишда чизел ва дискали борона каби қуроллар анча маъқул кўрилади. Лекин бу мақсад учун махсус ЧКУ – 4 култиватор ўғитлагичдан фойдаланганда яхши натижаларга эришилади. Ўғит чигит экишдан олдин солиниб, дарҳол чизел ёки култиватор ўғитлагич билан кўмилганда олинган кўшимча ҳосил 3 – 3,5 ц/га, тишли борона билан кўмилганда эса 1 – 1,5 ц/га ни ташкил қилади.

Чигит экиш билан бир пайтда ўғит солишда ўғит кам сарфлангани ҳолда ниҳолларнинг азот ва фосфорга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконини беради. Бунда ўғит махсус жихозланган сеялкада солинади.

Ўғитларни чигит экиш билан бир пайтда солишдан мақсад ниҳолларни азот ва фосфор билан етарли даражада таъминлашдир, чунки ер ҳайдашда ҳамда экишдан олдинги муддатларда солинган ўғитдан, айниқса фосфорли ўғитдан (чуқур кўмилганлиги сабабли) ёўза кейинроқ фойдаланиши мумкин.

Ўсимликда фосфорнинг шимилиш тезлиги унинг қандай чуқурликка солинишидан ташқари, чигит ётган қаторларнинг ён томонларига қандай масофада тушганлиги катта аҳамиятга эга. Чигит экиш билан бир пайтда солинадиган ўғит 10 – 15 см чуқурликка, чигит тушган чизиқнинг 5 – 7 см ён томонига кўмилгани маъқул (Г. И. Яровенко, 1965).

Чигит экиш билан бир пайтда ўрта ҳисобда 20 – 30 кг/га фосфор солинганда гектаридан 2,5 ц дан кўшимча ҳосил олинади. Эгатга солинадиган ўғитга 10 – 15 кг/га азот кўшиб бериладиган бўлса, ўғитларнинг самарадорлиги янада ошади. Ҳосилдорлик эса 3,5 – 4 центнер ошади (М. А. Белоусов, 1975).

Ғўзани ўсув даврида озиклантиришда уни озик моддалар билан етарли даражада таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бунда солинган ўғитни максимал даражада ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши инобатга олиниши керак.

Ўсимликнинг тупроққа солинган ўғитдан яхши фойдаланиши учун озик моддалар илдиз ўсиш қаватига етказиб берилиши керак. Илдизи унча ривожланмаган ғўза ниҳоллари юқори концентрацияли озик моддаларга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам бу пайтда ниҳоллар ўғитдан кўпроқ фойдаланишга интилади (Н. Н. Зеленин, Г. И. Яровенко, 1971).

А.Санақулов (2005) тадқиқотларнинг кўрсатишича, нитратлар тупроқда юқоридан пастга ва ён томонларга қараб секин ҳаракат қилади. Эгат ўртасига солинган ўғит паст ва юқори томон ҳаракат қилиб, ўсимликнинг илдизига унча етиб бормади. Ғўзанинг шоналаш давригача ўғитлар қаторлардан 15 – 18 см, ёппасига шоналаганда эса 20 – 22 см ён томонга солинганда ўсимлик ундан яхши фойдаланади. Гуллаш даврида ғўза илдизлари яхши ривожланганлиги туфайли ўғит эгат ўртасига солинса ҳам бўлаверади.

Азотли ўғитлар билан ғўза барвақт озиклантириладиган бўлса (айниқса чигит экишдан олдин ва кейин, экиш билан бир пайтда азот берилмаганда) уни майдоннинг узунасига ва кўндалангига қарата солиш ҳам мумкин. Кейинги озиклантиришларда ўғитлар дала бўйлаб эгат олиш билан бир пайтда берилади. Ғўза тупларини озик моддалар билан таминланиши учун ўғитлар қатор ораларининг ҳаммасига солиниши керак.

Далаларга ўғит солиш техникасига риоя қилиш, айтиқса, эрта муддатларда азот билан бирга фосфор ҳам қўшиб бериш муҳим шарт

ҳисобланади. Ўғитларни максимал даражада экин қаторларига яқинлаштириш ўсимликнинг озик моддалар билан таъминлашни яхшилаш учунгина эмас, балки тупроқни кейинги ишлаш жараёнларида фосфорни тупроқнинг юза қатламларига ағдариб чиқариш ҳам кўзда тутилади (Г. А. Габриельянц ва бошқалар, 1981).

Г.И.Яровенко (1969) тажрибаларнинг кўрсатишича, ўғитларни ўсимлик қаторларининг ён томонларига солиш натижасида олинган пахта ҳосили 39,7 ц/га ни ташкил қилган бўлса, улар эгат ўрталарига солинганда 37,5 ц/га дан ҳосил олинади. Азотли ўғитларни, айниқса сўнгги озиклантиришда солиш усулида уни култивация қилиш билан бир пайтда берилгани маъқул.

Дастлабки озиклантиришда ўғитни узунасига ва кўндаланг култивациялаш билан бир пайтда бериш керак бўлса, сўнгги ўғитлар эгат олиш пайтида солинади. Шундай қилинганда гектаридан 3,5 – 5 ц қўшимча ҳосил олинади. Ўғит эгат олиш билан бир пайтда солинганда тупроққа 3 – 5 см култивациялашда эса 5 – 8 см чуқурлика кўмилади.

1. 3. Ғўзанинг озиқ моддаларни ўзлаштириши бўйича биологик

қонуниятлар

Ўғитларнинг самарадорлиги кўп жихатдан уларнинг экин майдонларига солиш муддатларига боғлиқ. Ўғит солиш муддати ўз навбатида уларнинг ўзаро алоқадаги ҳаракатига боғлиқ. Ғўза ўсув даври мобайнида узок муддат озиқланадиган ўсимлик ҳисобланади. У чигит униб чиққанидан бошлаб ўсув даврининг охирига қадар тупроқдаги озиқ моддаларни ўзлаштира боради. Ғўзани ўсув даврида бир нечта ривожланиш давлари бўлиб, бу ҳол озиқланиш жараёнига таъсир этади.

Ўғитнинг пахта ҳосилига ва ўсув даври давомида ғўзанинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш натижалари ўсимлик ҳаётини олтига даврга бўлиб чиқишни тақоза этади (Пахтачилик справочниги, 1989).

Биринчи давр – чигитни униб чиқишидан ниҳолларда биринчи чин барг ҳосил бўлгунча ўтган вақт. Ниҳоллар бу даврда фосфорни кўп талаб қилади. Азотга бўлган эҳтиёжи эса кейинроқ, биринчи чин барг чиқариш пайтига келиб кучаяди.

Иккинчи давр – ғўзада битта чин барг пайдо бўлганидан бошлаб биринчи шона ҳосил бўлгунга қадар ўтадиган вақт. Бу пайтда ғўзанинг азот ва фосфорга нисбатан талаби миқдор жихатдан анча ортади. Бу пайтда ўсимликка сарфланадиган озиқ модда умуман ғўзанинг ҳосил ҳамда курук модда тўплаши учун мавсум давомида тупроқдан оладиган жами озиқ моддаси миқдорига қараганда унча кўп қисмини ташкил қилмайди. Чунки

ғўзанинг шоналай бошлаш пайтигача унча кўп қурук модда ҳосил қилмайди, лекин ўсув даврининг иккинчи қисмидан бошлаб айниқса азотга бўлган талаб кескин ошади.

Учунчи давр – ғўзанинг биринчи шона чиқариш пайтидан биринчи гули очилган пайтигача ўтадиган давр. Бу пайтда ўсимликнинг тупроқдан азот ва калий олиш жараёни кучаяди, чунки ўғитнинг ғўзани ўсиши ва ривожланишига кўрсатадиган таъсири анча ортади. Пахтачилик билан шуғулланадиган барча мамлакатларда ғўзани шоналаш даврида азотли (айрим ҳолларда азотли – калийли) ўғитлар билан озиклантириш зарурлиги тан олинган.

Тажрибаларнинг кўрсатишича (П. Протасов, Н. Зеленин, Б. Мусаев, 1989), азотли ўғитлар ғўзага қанчалик кеч берилса кўсак ҳисобига йиғиштириб олинадиган пахта ҳосили шунчалик кўпаяди. Чунки азотли ўғитлар кеч берилганда фақат биринчи нав пахта миқдорини камайтириб қолмай, балки умумий ҳосилни ҳам камайтиради. Ўғит ғўзанинг шоналаш давридан кечиктирилмай берилганда кўсакларнинг очилиши тезлашади. Ҳосилдорлик сезирали ошади. Айниқса биринчи нав пахта миқдори кўпаяди.

Тўртинчи давр – ғўзанинг гуллаш кўсак тугиш даври бўлиб, анча узоққа чўзилади. Бу пайтда ғўзалар тез авжига киради, тупроқдан озик модда ўзлаштирилиши, азот – фосфорли ўғитларига бўлган талаби анча кучаяди. Бу пайтда солинган ўғит пахта ҳосилининг ортишига таъсир кўрсатмайди.

Ғўза гуллаш – кўсак тугиш даврининг дастлабки 30 – 35 кунида азот фосфорли ўғитни ниҳоятда кўп талаб қилгани ҳолда мазкур даврнинг

иккинчи яримига ўтганда тупроқдан озик модда ўзлаштирилиши кескин пасайиб кетади. Айни пайтда ғўза вегетатив органларининг ўсиши анча сусайиб, тугунчаларини тўкиб юборади. Ўсимлик шона, гул, кўсак ҳосил қилишни давом эттиргани ҳолда янги ривожланиш – пишиш даврига киради. Пахтанинг пишиш даври кўсаклар очилмасдан анча олдин бошланади.

Ғўза олдинги ривожланиш даврларида ўғитдан, айниқса азотли ўғитлар билан етарли даражада таъминланганлигидан қатъий назар тўртинчи ривожланишнинг фойдаси катта. Лекин ғўзанинг ўсув даврида бир марта озиклантириш мўлжалланган бўлса бу ўғит шоналаш даврида берилгани фойдали ҳисобланади.

Бешинчи давр – ғўзада дастлабки кўсаклар очилишигача давом этадиган вақт. Бу пайтда ғўзага ўғит беришнинг кўпинча фойдаси бўлмайди. Айниқса азотли ўғитлар ғўзанинг тез ўсишига, янги шохлар чиқаришига олиб келади.

Олтинчи давр – кўсакларнинг очилиш даври бўлиб, у дастлабки кўсакнинг очилишидан бошлаб ўсув даврининг охиригача давом этади. Бу даврда ғўза моддаларни яна жадал ўзлаштира бошлайди. Айни пайтда ғўза шохлари таркибида азот ва қисман фосфорнинг кўпайиши аниқланган.

Умуман, ўсимликни яхши ривожланиши ва кўсакларнинг барвақт очилиши, шунингдек мўл ва юқори сифатли ҳосил олиш учун ўсимлик ҳаётини дастлабки даврларида шароит яратилиши ўша пайтда улар етарли даражада озик моддалар билан таъминланган бўлиши керак.

Фосфорли ўғитлар масаласи бир оз бошқача, у карбонатли тупроқларда солинган қатламнинг ўзида туриб қолади, ниҳоятда кам ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам фосфорли ўғитларнинг асосий қисмини (60–70 фоизи, кам меъёردа бўлса унинг ҳаммасини) кузги ер ҳайдаш пайтида солиш тавсия этилади. Бу ўғит тупроққа чуқур кўмилади ва ғўза илдизлари ўша қатламга етиб борганидан сўнг уни ўзлаштира бошлайди.

Лекин, ғўза ўсув даври бошларида ҳам фосфорга талабчан бўлади, шунинг учун уни чигит экиш олдидан ёки экиш билан бир пайтда солиш ҳам тавсия этилади. Турли тупроқ – иқлим шароитида ўтказилган кўп сонли тажрибаларнинг кўрсатишича, фосфорли ўғитларни чигит экиш билан бирга 10; 20; 30; кг/га меъёردа қўллаш пахта ҳосилдорлигини 2 – 3 центнер ортишини таъминлайди.

Азотли ўғит чигит экишдан олдин ва экиш билан бир пайтда солинганда, мавжуд ўғит миқдориغا қараб ғўзага мавсумнинг кейинги муддатларида яна икки ёки уч марта ўғит берилиши керак.

Азотнинг йиллик меъёри 200 кг/га бўлганда ғўзани икки марта ғўзада беш – олти чинбарг пайдо бўлганда, яъни улар шоналай бошлаган пайтда ва гуллай бошлаганда озиклантириш кифоя қилади.

Калийли ўғитлар солинган майдонларда бу ўғит азотли ўғит билан баравар нисбатда аралаштирилган ҳолда берилади. Иккинчи озиклантиришда эса баравар нисбатда аралаштирилган азот фосфорли ўғитлар солинади. Ҳар галги озиклантиришда азот меъёри 75 кг/га дан оширилмаслиги керак. Азотнинг ўсув даврига қолдирилган қисми 200 кг/га дан ортиқ бўлса, унда

озиклантириш уч марта: ғўзада икки – уч чинбарг пайдо бўлганда, қийғос шонага кирган ва гуллай бошлаган даврларда ўтказилади.

Ғўзани кеч муддатларда озиклантириб бўлмайди. Ҳамма ҳолларда ҳам ғўзани августда озиклантириш июлдагига нисбатан кам самара беради, айрим ҳолларда ҳосилдорлик камайиб кетишига ҳам олиб келади.

Демак, ғўзани ўғитлашда юқорида келтирилган биологик қонуниятларни чуқур ўрганиш ҳолда унга амал қилиш орқали ғўзанинг мақбул ўсиб, ривожланишини бошқариш мумкин экан. Албатта бу жиҳатларни эътиборга олиш зарур.

Ғўзанинг озик моддаларга бўлган талабини инобатга олиш натижасида нафақат ўсиш, ривожланиши, балки ҳосилдорлиги ва толанинг технологик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Бу эса ҳозирги даврда маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишдаги муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

2. ТАЖРИБАДА ҒЎЗА ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Алмашлаб экиш. Дехқончиликда тупроқ унумдорлигига қараб алмашлаб экиш 3:5; 3:4; 3:3; тизимда бўлиши мумкин. Бунда пахтанинг салмоғи 50 – 57, 62,5 % ни ташкил этади. Беда алмашалаб экишда 1:2; 1:3; 1:4; тизимларини қўллаш мумкин. Бунда биринчи рақам бошоқли дон экинлари ёки маккажўхорини билдиради. Ўтказган тажрибамизда ғўза учун кузги буғдой ўтмишдош қилиб олинди.

Ўғитлаш тизими органик ва минерал ўғитларни қўллашни ўз ичига олади. Ўғитларни қўллаш меъёри тупроқнинг типига, ўғит шаклига ва алмашлаб экиш майдонига қараб ўзгариб боради.

Органик ўғитлар гектарига 20 – 40 т ҳисобида ДТ – 75 М тракторига РУН – 15Б, МТЗ – 80 трактори билан РТО – 4, РОУ – 5 агрегатлари билан солинади.

Азотли ўғитларни қўллаш меъёри фосфорли ўғитга қараганда бедапоядан кейинги дастлабки икки йилда камроқ бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро нисбат 1:1,3 ёки 1:1,5 бўлиши керак. Кейинги йилларда эса бу нисбат 1:0,7 – 0,8 га тенглашади.

Фосфорнинг самарадорлиги унинг 60 – 70 % и шудгорлаш олдидан берилганда юқори бўлади. Қолган қисмини эса экиш билан бир вақтда ва гуллаш фазасида озиклантиришда берган маъқул.

Азот ва калийнинг нисбати 1:0,5 бўлиб, калий меъёрининг 50 % и шудгор олдидан берилса қолган, қисмини шоналаш фазасида озиклантиришда бериш тавсия этилади.

Ўғитлар КРХ – 4, КРХ – 3,6, КХУ – 4 русумли култиваторлар ёрдамида берилади. Олиб борилган тадқиқотларимизда ўғитлаш тизими тажриба тузилмаси асосида ўтказилди.

Тупроққа асосий ишлов бериш. Кузги шудгорлаш икки ярусли плуглар (ПД – 3 – 35 , ПД – 4 – 35) билан 30 – 35 см чуқурликда ҳайдалади, кузги шудгорлашнинг энг қулай муддати октябр ойининг иккинчи ярими ноябр ойининг иккинчи ўн кунлигидир. Шудгорлашда тупроқ ўта нам ёки қуриб қолган бўлмаслиги керак. Тажрибада кузги шудгор ПД – 3 – 35 русумли плуг билан 30 см чуқурликда октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилди.

Тупроқни экишга тайёрлаш. Чигит экиладиган майдонларда ерни яхши текислаш керак. Бунда узун базали текислагич моладан, шунингдек ПР – 5 текислагич моладан фойдаланиш зарур. Ерни текислаш ишлари кузда ўтказилади. Тупроқни кесаксиз майин ҳолга келтириш учун ерни яхши юмшатиш бунда чизел (ЧКУ – 4) борона (БЗС – 1,0), мола ва айниқса, фрезали (КФГ – 3,6) култиватордан фойдаланиш керак.

Чигит экишни баҳор об – ҳавосига қараб тупроқнинг 0 – 10 см катламидаги ҳарорат 13 – 14⁰С бўлганда бошлаш мумкин. Чигит экиш иложи борича қисқа муддатларда тугалланиши лозим. Экиш учун махсус сеялкалардан СХУ – 4, СТХ - 4 фойдаланилади ва чигит 3 – 4 см чуқурликда экилади. Экишда 60 – 70 кг тукли, 30 – 35 кг туксизлантирилган чигит сарфланади. Чигитни экишдан олдин далага бир йиллик бегона ўтларга қарши гектарига 4 – 6 кг трефлан, экиш билан бирга 1,0 – 1,2 кг которан, 2,0-

2,5 кг прометрин, 1,0 – 1,3 кг катифор препаратларини ПГС – 2,4, ПХГ – 4 мосламалари ёрдамида кўллаш мумкин.

Майдонлардан тўлиқ кўчат олингач, ўсимликда 1 – 2 та чинбарг чиқарганда ягана қилинади. Шундай қилинса гектар ҳисобига кўчат сони 90 – 100 минг тупни ташкил қилади.

Қатор оралиғига ишлов беришда (КРХ – 3,6; КРТ – 4; ЧКУ – 4;) култиваторларидан фойдаланилади. Биринчи ишлов тупроқнинг ҳолати намлиги ва зичлашишига қараб ўтказилади. Култиваторнинг ўртасидаги ғоз панжа 12 – 14 см чуқурликда, чеккадагилари (бритвалар) эса ўсимлик қаторидан 5 – 6 см масофада, кейинги култивацияларда эса ғоз панжа 14 – 16 см чуқурликда, энг четки наралниклар ўсимликдан 10 – 12 см масофада, 8 – 10 см чуқурликда ўрнатилади.

Экиш схемасидан қатъий назар ғўза қатор оралиғига ишлов беришда энг четги органлар ғўзада 10 – 12 см узокликда ва 8 – 10 см чуқурликдан ошмаслиги керак. Тажрибада ғўза қатор ораларига ишлов бериш қабул қилинган тавсия асосида амалга оширилди.

Ғўзани озиклантириш. Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри унумдор ва шўрланмаган ерларда қуйидагича: азот 250 кг/га, фосфор 200 кг/га, калий 125 кг/га, уларнинг нисбати 1:0,8:0,5 бўлиши тавсия этилади. Тажрибада ўғитлаш иш дастури асосида бажарилди.

Ғўзани суғориш. Ғўза ўстирилган майдонларда суғориш тартиби ва меъёри муайян тупроқ – иқлим шароитига мос равишда олиб борилади. Ҳар бир суғоришда сарфланадиган сув миқдори гектарига 700 – 900 м³ дан

ошмаслиги керак. Сизот сувлари ер юзасидан чуқур жойлашган тупроқларда ўсимликлар гуллашгача 700 – 900 м³ меъёрида, ер ости сувлари яқин жойлашган тупроқларда ғўзаларнинг асосий қисми гулга кирганда 700 – 800 м³ меъёрида ўтказилади. Тажрибада ғўзани суғориш муайян ҳудуд учун қабул қилинган тавсиялар асосида амалга оширилди.

Зараркунандаларга қарши кураш. Ўргамчаккана пахта ҳосилига энг кўп зарар етказилади. Унга қарши ўз вақтида чоралар кўрилмаса, ҳосилдорлик 70 – 80 % га камайиши мумкин. Ўргамчакканага қарши ҳар бир гектар ҳисобига махсус акарицидлар 1,5 – 2,0 л Омайт, 1,25 Акарадецис, 0,3 л Вертилак, 0,6 – 0,8 л Демитан, 1 л Нерон, 0,5 л Нурел – Д, 1,5 л Дониталдан фойдаланиш тавсия этилади. Кўсак қурти эса кўпроқ ғўза пайкалларида шона ва кўсакларни зарарлаб, уларни тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Кўсак қуртининг сони ҳосилга зарар келтирадиган даражада бўлса, бу муддатларда ўргамчаккана ва зарарли қандалалар ҳам кўплаб учрашишини назарда тутиб Каратэ ёки Талстар (0,6л/га), Данитал (1,6л/га), Акарадецис (1,5 л/га), Нурел – Д ёки Дорсан – С (1,5 л/га), Хастатион (2,5 – 3л /га) ишлатиш тавсия этилади.

Дефолиацияни – ўтказиш учун юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар (Дропп ултра ва Дропп) шунингдек, Магний хлорид, Сихат препаратлари ишлатилади. Дропп ултра, Дропп препаратларини тезпишар, барг сатҳи кичик, юпқа, дефолиантларга таъсирчан навлардан иборат пайкалларида гектарига 0,3 – 0,5 кг дан, аксинча кўрсаткичларга эга навларга гектарига 0,5–0,7 кг меъёрида сепиш тавсия этилади. Дефолиантларни ҳосил 50 – 60 % очилганда қўллаш яхши натижа беради. Ҳосил асосан қўлда йиғиб – териблинади.

3. ТАДҚИҚОТ ЎТҚАЗИШ ШАРОИТЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

3.1. Тажриба даласи тупроқлари тавсифи

Ўзанинг ўсиши ва ривожланиши, пахта ҳосили ҳамда сифатига азотли озикланиш режими, экиш билан бериладиган меъёри, қўллаш муддатининг таъсирини ўрганиш учун дала тажрибалари қўйилади. Дала тажрибалари ЎзПИТИ Самарқанд тармоғи ўтлоқ – бўз тупроқлар шароитида олиб борилди.

Ўтлоқ – бўз тупроқлар иккинчи қайир усти терассасида ва тоғ олди текисликларида тарқалгандир (Розанов 1948).

Тупроқ ҳосил қилувчи она жинси асосан лёсс ҳамда аллювиал ётқизиклардан иборат бўлиб, юқори карбонатлилик учрайди, шунинг учун ҳам тупроқ сувли сўрим муҳити нейтрал ва кучсиз ишқорлидир. Самарқанд воҳаси тупроқлари Туркистон ва Зарафшон тизмалари орасида Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, В. А. Ковда (1947) маълумотлари бўйича, комплекс аллювиал ётқизикларидан иборатдир.

Бу ётқизикларнинг тагида шағал, қум ва соз қатламларига эга бўлган қатлам – қатлам жойлашган келтирилмалар мавжуд. Дарё ўзанидан ташқари, аллювиал текислик учта терассага бўлинганлиги яққол сезилиб туради. Биринчи терасса тўлқинсимон чўзилган бўлиб, тупроқлари қалин, шағал қумлар билан қопланган, баъзида қумлоқ келтирилмалар устида ҳосил бўлган. Сизот сувлари сатҳи юзада (0 – 5, 1,0 м), чучук. Иккинчи терасса биринчисидан 5 – 7 м баланд текисликларда жойлашган бўлиб, тупроқлари аллювиал ва агроирригацион келтирилмалар устида пайдо бўлган. Иккинчи

терассага Зарафшон дарёсининг икки қисмга, Оқдарё ва Қорадарёга ажраган, яъни Мианқол ороли ҳам киради. Бу минтақада гидроморф тупроқлар тарқалган бўлиб, суғориладиган ва эскидан суғориладиган тупроқ катламларида агроирригацион келтирилмалар кўп учрайдиган ўтлоқ – бўз тупроқлар тарқалгандир.

Тупроқ қатламлари механик таркибига кўра кўпинча оғир ва ўртача кумокдир. Сизот сувлари 4 – 5 м чуқурликда жойлашган, чучук. Учинчи терасса иккинчисидан 15 – 20 м баландликда жойлашиб, айрим минтақаларда ушбу юқорилик сезилмайди. Иккинчи терассадан кенгрок майдонларни эгаллайди, кучсиз тўлқинсимон паст текисликлардан иборат бўлиб, аста секин тоғ этаги текисликларга тутшиб кетади.

Ўтлоқ – бўз тупроқлар механик таркибига кўра оғир ва ўртача кумокли, физик соз ва чангнинг кўплиги (45 – 50 %) билан тавсифланади. Йирик фракцияларнинг минералогик таркиби кварц, дала шпати, гидрослюдадар ва кальцийдан иборат. Юқори дисперс минераллардан гидрослюдадар, монтмориллионит гуруҳига кирувчи минераллар ҳамда хлорид, вермикулит, аморф моддалар учрайди. Ўтлоқ–бўз тупроқларнинг асосий хусусиятларидан бири карбонатларнинг ва гумус миқдорининг кўплигидир.

Тупроқнинг А қатламида гумус миқдори 1,2 %, умумий азот миқдори 0,1 – 0,2 % ни ташкил қилади.

Ўтлоқ – бўз тупроқлар сингдириш сиғими 8 – 10 мг экв 100 гр тупроқда (Розанов 1948; Кауричев, 1982; Мусаев, Акбаров, 1996) ташкил этади. Сингдирилган катионларнинг 60 – 75 фоизи Ca^{+2} ионига, 10 – 15 фоизи Mg^{+2}

ионига тўғри келади. Ўтлоқ – бўз тупроқлар сингдириш сиғимининг 7 – 8 фоизи K^+ ва Na^+ ионига тўғри келади. K^+ иони Na^+ ионига нисбатан кўп миқдорда учрайди. Маданийлашган тупроқларда Na^+ деярли учрамайди.

Тажриба даласининг тупроқларини агрокимёвий тавсифлаш учун ҳар йили баҳорда ҳайдов қатлами (0 – 30 см) ва ҳайдов ости қатлаидан (30 – 60 см) тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинди (1 – жадвал).

1 – жадвал

Тажриба даласи тупроқлари тавсифи

Тупроқ қатлами, см	Гумус, %	Умумий %			Харакатчан мг P_2O_5	Алмашинувчан мг K_2O
		N	P	K		
0 – 30	1,188	0,104	0,136	1,80	27,5	180
30 – 60	1,123	0,094	0,124	1,67	10,8	160

Тупроқ қатламларида гумус миқдори 0 – 30 ва 30 – 60 см қатламда мос равишда 1,188 – 1,123 %, умумий азот 0,104 – 0,094 %, умумий фосфор 0,136 – 0,124 % , ҳаракатчан фосфор 27,5 – 10,8 мг/га, умумий калий 1,80 %, алмашинувчан калий 180 – 160 мг/кг бўлиб, ҳайдов ости қатламга тушган сари бу миқдорнинг камайиш ҳоллари кузатилди.

3. 2. Тажриба ўтказилган йил иқлим кўрсаткичлари

Самарқанд вилоятининг иқлим шароити бошқа вилоятларга нисбатан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Вилоят иқлимининг тавсифли хусусиятларидан бири ёғингарчилик кам бўлиши ва ер юзасига тушувчи иссиқлик миқдорининг юқорилигидир. Қуёшли кунлар асосан ёз ва куз ойларида бўлади. Бир йил давомида тупроқнинг юқори горизонтал қатламига 100 – 120 ккал/см² иссиқлик энергияси тушади.

Жанубий кенгликда жойлашган районларда куннинг иккинчи яримида горизонтал туриб қолиш туфайли кўп миқдорда қуёш энергияси ва ёруғлик тушади. Радиация йиғиндисидан бир йилда 185 ккал/см² ни (15,6 млрд ккал/га ФАР) ташкил этади. Баъзи йиллари бу кўрсаткич ҳам ошиб кетади (Зокиров, 1979).

Денгиз сатҳидан баланд жойлашувчи тоғлар, чўллар, барча майдоннинг кенг жойлашуви, иқлимнинг турли – туманлигини келтириб чиқаради. Зарафшон водийсининг табиий иқлим шароитининг тавсифли томони юқори ҳарорат ва ёруғлик эканлиги, қуруқ ҳаво ҳароратининг тез ўзгарувчанлиги об- ҳаво шароитини, айниқса баҳор ва куз фаслларида қутилмаган даражада ўзгаришига олиб келади. Зарафшон водийси ҳудудида ўсимликларнинг ўсув даври (Балашев ва бошқалар, 1963) 255 кундан 275 кунгача ўзгаради, ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг 63 % қисми денгиз сатҳидан 100 – 150 м баландликдаги минтақаларда етиштирилса, қолган 37 % и 500 – 700 м баландликда етиштирилади.

Йилнинг иссиқ мавсумида ёғингарчилик деярли кузатилмайди. Куз ва қиш ойларида об – ҳавонинг ўзгариб туриши ва ёғин – сочиннинг асосий қисми ёғиши кузатилади. Йиллик ўртача ҳарорат $13,4^{\circ}\text{C}$, ёғингарчилик миқдори 340 мм (2 – жадвал). Иқлим кўрсаткичларига тоғ массивлари мавжудлиги катта таъсир кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида ўрта толали ғўза навларидан эртапишар, чигитнинг мағзи тўқ, тола сифати яхши бўлган юқори ҳосил олиш мумкин бўлиб, бунда илмий асосланган пахта етиштириш технологиясини қўллашни талаб қилади.

3. 3. Тадқиқот мақсади, вазифалари ва объекти

Самарқанд вилоятининг гидроморф ўтлоқ – бўз тупроқлари шароитида экиш билан бирга бериладиган азот меъёрининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш, азотли озикланишни мақбуллаштириш ва шу асосида унинг мақбул шаклланиш шароитларини ва қўллаш муддатини аниқлаш танланган мавзунинг асосий мақсади эди.

Бажарилган ишнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифатига азот ўғитини турли меъёр ва муддатда қўллашнинг таъсирини ўрганиш.
- Экиш билан бирга қўлланилган азот ўғити меъёрининг тупроқ озика режимига таъсирини ўрганиш.
- Ўсимликлар томонидан озик моддаларнинг ўзлаштирилиши тупроқдаги минерал азот динамикасига азот ўғитини экиш билан турли меъёрда ва озиклантиришларда қўллашнинг таъсирини аниқлаш.

- Ғўзага азот ўғитини экиш билан бирга турли меъёра ва озиклантиришда қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.

2 – жадвал

ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛГАН ЙИЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИ

№	Ойлар	Декада	Ҳаво харорати, °С	Ёгин сочин миқдори, мм	Тупроқ харорати, °С	
					10 см қатлам	20 см қатлам
1	Апрел	1	15.3	4.5	15.4	14.2
		2	11.4	20.7	19.8	18.4
		3	19.5	-	21.1	19.9
2	Ўргача		18.0	27.2	18.7	17.5
3	Май	1	21.9	-	22.9	21.1
		2	21.7	-	25.1	23.4
		3	22.2	-	25.6	29.1
4	Ўргача		21.9	-	24.6	23.1
5	Июн	1	21.3	-	26.5	25.7
		2	23.6	3.3	27.2	26.5
		3	28.0	-	30.4	28.9
6	Ўргача		26.0	3.3	28.0	26.9
7	Июл	1	28.1	-	31.0	29.6
		2	25.6	-	30.2	29.7
		3	27.4	-	30.4	29.8
8	Ўргача		27.0	-	30.5	29.7
9	Август	1	27.9	-	30.9	30.3
		2	24.9	-	29.4	29.1
		3	25.9	-	28.8	28.4
10	Ўргача		26.2	-	29.7	29.3
11	Сентябр	1	23.2	-	27.1	27.0
		2	22.5	-	26.0	25.8
		3	16.1	0.9	21.0	21.8
12	Ўргача		20.0	0.9	24.7	24.8
Жами			-	31.4	-	-

3. 4. Тадқиқот ўтказиш услублари

Тажриба даласининг тупроқлари эскидан суғориладиган маданийлашган, механик таркибига кўра ўртача қумоқ, сизот сувлар сатҳи 3 – 4 м чуқурликда жойлашган.

Тажрибада ўрта толали Оқдарё – 6 ғўза нави чигити экилди. Дала тажрибалари 5 вариант 4 такрорликда ўтказилди. Тажрибадаги ҳар бир пайкалнинг юзаси 180 м², ҳисобланадиган майдон 90 м² бўлиб, пайкаллар систематик равишда бир ярусли бўлиб жойлаштирилди. Тажриба даласида қўлланилган барча технологик тадбирлар ЎзПИТИ Самарқанд тармоғи технологик харитаси асосида, фақатгина ўғитларни қўллаш тажриба услуби асосида бажарилди.

Тажрибада азотли ўғит сифатида таркибида 46 % таъсир этувчи модда сақловчи карбамид, фосфорли ўғит сифатида таркибида 20 % фосфор оксиди сақловчи оддий суперфосфот ва калийли ўғит сифатида эса таркибида 60 % таъсир этувчи модда сақловчи калий хлориди ишлатилди.

Фосфорли минерал ўғитларнинг 70 % и ва калийли минерал ўғитларнинг 50 % и кузги шудгор билан бирга дала тажрибасининг режалаштирилган ҳар бир пайкалига алоҳида– алоҳида берилди. Фосфорнинг қолган 30 % и гуллашда, калийнинг 50 % и ғўза шоналаш фазасида берилди (3-жадвал).

Дала тажрибаси тизими

Тажриба вариантлари	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Ўғитларни қўллаш муддатлари, кг/га							
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	Кузги шудгор остига		Экиндан	Экин бирга	О. Ғилғилғилда		Гуллашда	
				P ₂ O ₅	K ₂ O			N	N	N	K ₂ O
1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2	200	140	100	100	50	50	-	75	50	75	40
3	200	140	100	100	50	-	50	75	50	75	40
4	200	140	100	100	50	-	100	50	50	50	40
5	200	140	100	100	50	-	150	-	50	50	40

Тажрибада барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчаш жараёнлари қабул қилинган андоза услублар “Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения (1981)” ва “Дала тажрибалари услубияти (2007)” бўйича олиб борилиб, тажрибада қуйидаги ҳисоблар, кузатишлар ва таҳлиллар ўтказилди:

- Фенологик кузатишлар униб чиқиш, 3 – 4 чинбарг чиқариш, шоналаш, гуллаш, пишиш фазалари 10 % ва 50 % ҳисобидан қайд қилиб борилди;
- Бош поя баландлиги, см 1 VI, 1. VII, 1. VIII;
- Барглар сони, дона 5.V, 10.VI, 10.VII, 10.VIII;
- Барг сатҳи, см² - 5.V, 10.VI, 10.VII ва 10.VIII;

- Қурук модда, г - 5.V, 10.VI, 10.VII ва 10.VIII;
- Фотосинтез соф маҳсулдорлиги, г/м²хсутка – ривожланиш даврлари бўйича;
- Ҳосил шохлар, дона 1.VII, 1. VIII, 1.IX;
- Кўсаклар сони, дона 1. VIII, 1.IX;
- Кўсакнинг ўртача массаси, гр;
- Ҳосилдорлик, ц/га;
- Толанинг сифат кўрсаткичлари вилоят “Сифат” лабораториясида.

Тупроқ таркибида гумус миқдори И.В.Тюрин бўйича, умумий азот, фосфор ва калий И. М. Мальцев, Л. П. Гриценко бўйича, нитрат шаклидаги азот Грандвальд – Ляжу усулида, аммоний шаклидаги азот Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий Б. П. Мачигин усулида, тупроқ эритмаси муҳити (рН) сувли сўримдан потенциометрик усулда, тупроқнинг механик таркиби Н.А. Качинский бўйича аниқланди.

Ўсимлик таркибидаги умумий азот фосфор ва калий битта намунада К. Е. Гинзбург, Е. М. Шеглова ва Вильфус усулида кул ҳосил қилиш орқали аниқланди.

Агрохимёвий таҳлилларни бажаришда “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах (1963)”, “Агрохимические исследований почв (1975)”, “Методы агрохимических исследований (1980)” ҳамда “Практикум по агрохимии (1987)” номли услубий қўлланмалардан фойдаланилди.

Ҳосилдорлик ҳар бир пайкалдан теримлар бўйича алоҳида қўлда териб олиниб, гектар ҳисобида центнерга айлантирилди ва таржиба натижаларининг статистик таҳлили Б. А. Доспехов (1985) бўйича амалга оширилди.

3. 5. Тажрибада экилган нав тавсифи

Тажрибада экилган Оқдарё – 6 нави ғўза нави Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Самарқанд тармоғида Ҳ. Ибрагимов, П. Н. Плотников ва бошқалар томонидан ўрта толали Тошкент–6 х 175 Ф навларини чапиштириб, олинган авлодларни кўп марта танлаш, саралаш йўли билан яратилган.

Ғўза тупи ташқи тузилишига кўра пирамидасимон шаклда, қатор ораларига ишлов беришга ва ҳосилини машина ёрдамида теришга жуда мос. Ўсимлик бош поясининг баландлиги 100 – 120 см, асосий пояси ва ҳосил шохлари туклар билан ўртача қопланган. Пояси ётиб қолмайди. Шохланиш 1 – 1,5 типга мойилдир. Биринчи ҳосил шохи 5 – 6 та чинбарг қўлтиғидан ўсиб чиқади. Барги ўртача катталиқка эга бўлиб, ранги тўқ яшилдир.

Гулнинг катталиги ўртача, оч сариқ рангга эга, кўсаги йирик, тухумсимон шаклда. Қисқа тумшиқчага эга бўлиб, юлдузчаси бор. Устки томони силлиқ, чаноқлари яхши очилади. Очилган чаноқдаги пахта лўппи – лўппи бўлиб туради, тўкилиб кетмайди, чигити ўртача катталиқда, оқиш ёки кулранг туклар билан қопланган. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 120 – 125 г. Бу нав тезпишар навлар гуруҳига мансуб, чунки очилиш жараёни жуда ҳам юқори, 20 – 25 кун давомида барча етиштирилган кўсақлар очилиб тугайди.

Ўсув даври 118 – 123 куни ташкил қилади. Битта кўсакнинг йириклиги 6,0 – 7,0 г, толасининг штапель вазн узунлиги 33 – 34 мм, тола чиқиши 36 – 37 %, тола пишиқлиги 4,6 г/к бўлиб, солиштирама узилиш узунлиги 28,3 г/к тексни ташкил қилади.

Ҳосилдорлиги нав синаш участкаларининг маълумоти бўйича об – ҳавонинг келиши ҳамда тупроқнинг унумдорлигига қараб гектаридан 30 – 45 ц гача бўлиб, толаси V – типга мансуб.

4. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

4.1. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши

Тажриба маълумотларига кўра, ғўзанинг дастлабки ривожланиш даврида (01.VI) ўсимликларнинг бўйига ўсиши тажрибанинг 2 – 5 вариантлари орасида кескин фарқ кузатилмади. Бу даврда бош поянинг баландлиги вариантлар бўйича 20,9 – 22,6 см бўлиб, чинбарг сони 6,1 – 6,3 донани ташкил этди. Назорат – ўғитсиз бўлган биринчи варианда эса ғўзанинг бу пайтдаги ривожига орқада бўлиб, юқоридагига муносиб равишда 8,8 см ва 2,8 донани ташкил этди. Вариантлар орасидаги бу фарқ ғўзанинг гуллаш фазасигача давом этди (4 – жадвал).

4 – жадвал

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши

№	Ғўза бош поясининг баландлиги, см				Чинбарглар дона	Ҳосил сони сонцохлар, дона			Кўсақлар дона		Сони Шундан очилганлари дона	
	1.VI	1.VII	1.VIII	1.IX	1.VI	1.VII	1.VIII	1.VIII	1.IX	1.IX	%	
1	8.8	22.8	73.6	81.3	2.8	2.1	6.7	2.6	8.3	1.1	13.2	
2	20.9	52.3	67.9	87.6	6.1	7.7	8.5	6.4	11.1	8.6	77.4	
3	21.6	52.1	75.7	87.8	6.2	7.7	8.9	6.5	11.9	9.9	83.2	
4	21.9	55.0	72.5	87.2	6.2	8.4	9.7	6.2	12.5	10.6	84.8	
5	22.6	58.6	80.8	89.7	6.3	8.5	9.5	7.3	9.4	7.4	78.7	

Ғўзанинг шоналаш даврида (01.VII) ўсимликларнинг ривожига бўйича энг юқори кўрсаткичлар тажрибанинг 4 – 5 вариантларида кузатилиб, ўсимлик бош пояси баландлиги 55,0 – 58,6 см ва ҳосил шохлари сони 8,4 – 8,5 донани ташкил этди. Вегетация даврининг охирида (01.IX) ғўза ҳосил тўплаш бўйича вариантлар орасидаги фарқ яққол сезиларли бўлди. Бу пайтдаги кузатув натижаларига кўра, назорат вариантыда ғўза бош пояси 81,3 см, кўсаклар сони 8,3 дона, шундан очилган кўсаклар сони 1,1 донани ташкил қилган бўлса, азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 25 % и чигит экиш билан бирга, қолган миқдори ғўзанинг шоналаш ва гуллаш давларида қўлланилган 3 вариантда у кўрсаткичлар мос равишда 87,8 см, 11,9 ва 9,9 донани, азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 50 % чигит экиш билан, қолган қисми шоналаш ва гуллаш фазаларида қўлланилган 4 вариантда эса кўрсаткичлар мос равишда 87,2 см, 12,5 ва 10,6 донани ташкил этди.

Азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 75 % и чигит экиш билан бирга қўлланилган 5 вариантда ўсимликларнинг азотли ўғитларга этиёжи кучли бўлган гуллаш ва мевалаш даврида тупроқнинг ҳайдов қатламидаги нитрат шаклидаги азот миқдори камлиги (14,4 мг/кг) ғўзанинг азотли озикланиш режими бузилишига ва кўсакларнинг камроқ, яъни ўртача 9,4 дона тўпланишига ёки назорат – ўғитсиз вариантдаги сингари бўлишига сабаб бўлди.

4. 2. Барг юзасининг шаклланиши, қуруқ модданинг тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги

Барг – ўсимликнинг барча физиологик жараёнлари содир бўладиган энг фаол органи ҳисобланади. Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига барглarning ҳосил қилган ассимиляцион юзаси катта аҳамиятга эга. Барглarning ассимиляцион юзасини шаклланишида ўсимликнинг озикланиши, технологик тадбирларининг юқори савияда ўтказилиши, тупроқнинг сув ва ҳаво режими каби қатор омиллар муҳим аҳамиятга эга.

А. Л. Санақулов, Б. А. Ҳамедов (2007) ларнинг таъкидлашларича, ўсимликларда етарли миқдорда барг ва барг юзасининг бўлмаслиги қуёш радиациясининг тўлиқ ютилмаслигига олиб келади. Аксинча, нотўғри суғориш ёки ўғитлаш туфайли барг юзасининг кенгайиши барглarning сояда қолиб, фотосинтетик актив радиациядан самарасиз фойдаланишга сабаб бўлади. Натижада ҳосилдорликка путур етади.

Ўсимлик баргларининг миқдори ва сатҳи ҳар бир навнинг ирсий белгилари бўлсада, аммо тажрибада қўлланилган омиллар таъсирида уларнинг миқдори, ассимиляцион юзаси турлича бўлди.

Ўғитсиз – назорат вариантда ғўзанинг шоналаш фазасида ҳар бир ўсимликда барг сони 8,4 дона, уларнинг ассимиляцион юзаси 385,8 см² ни ташкил этади. Экишдан олдин ва экиш билан турли меъёрда азот ўғит қўлланилганда эса кўрсаткичлар 9,8 – 10,6 дона ва 430,2 – 445,8 см² ни ташкил қилди (5 – жадвал).

Ўсимликда барг сони ва сатҳининг ўзгариши

Тажриба вариантлари	3–4 чинбарглик даврида	Шоналаш, , 3.V , 10. VI		Гуллаш, 10. VII		Ҳосил тўплаш, 10. VIII	
	Барг хи , см ² саг	Барг сони	Бардона хи , см ² саг	Барг	соғирг хи , см ² доғсаг	Барг	соғирг хи , см ² доғсаг
1	50,3	8,4	385,8	47,3	2281,1	70,3	4670,3
2	70,4	9,8	430,2	51,0	2630,4	74,0	5070,4
3	75,3	10,2	445,8	52,6	2700,8	76,3	5103,1
4	72,5	10,0	435,3	51,9	2705,3	76,1	5084,6
5	70,4	10,6	440,5	51,0	2700,7	74,8	4300,2

Гуллаш фазасида ўғитсиз – назорат вариантдаги ғўзаларда 47,3 дона барг пайдо бўлган бўлса, экишдан олдин ва экиш билан турли меъёрда азот ўғити қўлланилган вариантларда эса 51,0 – 52,6 донани ташкил этиб, мос равишда барг сатҳи ҳам ошиб борди.

Ўсимликларда барглар ассимиляцион юзаси бўйича вариантларора фарқ гуллаш ва ҳосил тўплаш давларида сезиларли бўлди. Ўғитсиз – назорат вариантда ўстирилган ўсимликлардагига нисбатан ўғитланган вариантларда барг сатҳи гуллаш фазасида 349,3 – 424,2 см², ҳосил тўплаш даврида эса 400,12 – 432,82 см² га катта бўлди.

Экишдан олдин ва экиш билан бирга азотли ўғитларни турли меъёردа қўллаш вариантлари орасида кескин фарқ кузатилмасда, бироқ экиш билан бирга йиллик азот меъёрининг 75 % и қўлланилган 5 вариантда бошқа вариантларга нисбатан барг ассимиляцион юзаси кичик бўлди, айниқса ҳосил тўплаш давридаги кўрсаткичи, ҳатто ўғитсиз – назорат вариантдагидан 370,1 см² кичик бўлганлиги аниқланди ва бунинг шоналаш даврида азотли ўғит қўлланилмаганлиги боис гуллаш ҳосил тўплаш даврида тупроқнинг 0 – 30 см қатламида N-NO₃ ва P₂O₅ миқдорининг камлиги, яъни ғўзанинг озикланиш режимининг бузилганлигидан деб изоҳлаймиз.

Қишлоқ хўжалик экинларининг вегетацияси жараёнида ўсимликларнинг қуруқ модда тўплаш қобилияти уларнинг фотосинтез маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Ўсимликда қуруқ модда миқдори ривожланиш фазаларига боғлиқ ортиб борди, айти пайтда қуруқ модданинг тўпланиши чигит униб чиққандан бошлаб шоналашгача аста секин ортиб, шоналаш давридан сўнг кучайди (6 – жадвал).

**Экиш билан бирга азотли ўғитлар қўллашнинг ўсимликда қуруқ
модда тўплашига таъсири**

Тажриба вариантлари	3 – 4 чинбарглик, 3.V	Шоналаш, 10. VI	Гуллаш, 10. VII	Ҳосил тўплаш, 10.VIII
1	1,35	4,80	18,51	92,20
2	1,42	5,85	28,59	118,79
3	1,45	6,30	30,52	121,60
4	1,49	6,63	30,64	120,84
5	1,48	6,60	26,60	103,20

Ўғитсиз – назорат вариантдагига нисбатан экишдан олдин ва экиш билан бирга турли меъёрда азот ўғити қўлланилган вариантда ғўза 3 – 4 чинбаргли даврида қуруқ модда тўплаши орасидаги фарқ 0,07 – 1,14 граммгача бўлган бўлса, гуллаш фазасига келиб 8,09 – 12,13 г ни ташкил этди.

Барг сатҳининг шаклланишидаги сингари қуруқ модда тўплашида ҳам экиш билан бирга йиллик азот меъёрининг 75 % и қўлланилган 5 вариантда кўрсаткич бошқа вариантларга нисбатан кам бўлди.

Фотосинтез соф маҳсулдорлиги экинларнинг биологик ҳосилини белгилайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Олимларнинг ўтказган тадқиқотларида (Носиров, 1954), ғўза ўсимлигида фотосинтез

жараёни ўсиш даври давомида қонуний равишда ўзгариб туриши аниқланган. А. Л. Курсанов, Э. Н. Вискрябенцева (1952, 1953) ва бошқаларнинг тадқиқотларида, ғўзанинг қийғос гуллаш ва кўсаклаш даврида кўсаклардаги целлюлозалар синтези ортади, натижада барглардаги углеводларнинг репродуктив органларига ўтиши кучаяди, бу эса фотосинтез жадаллигининг ошиши учун қулайлик туғдиради. Ўсиш охирида ғўза фотосинтез соф маҳсулдорлигининг кескин пасайиши кузатилади, бу ғўзанинг физиологик қариши билан боғлиқ (А. Л. Санақулов, 2005). Ғўза қариганда тормозловчи моддалар ҳосил бўлади, улар баргнинг ассимиляцион хоссасига тўсқинлик қилади (Рабинович, 1953).

Тажриба маълумоти таҳлилининг кўрсатишича, ғўзанинг 3 – 4 чинбарглик шоналаш фазаларида ўғитсиз – назорат вариантдаги ўсимликларда 1 м² барг сатҳига сутка давомида ўртача 4,1 г қуруқ модда тўғри келган бўлса, экишдан олдин ва экиш билан бирга турли меъёрда азот ўғити қўлланилган вариантларда 4,7 – 5,3 г қуруқ модда ҳосил бўлди (7 – жадвал).

Тажрибада экиш билан бирга берилган азот ўғити меъёрларининг ортиб бориши фотосинтез соф маҳсулдорлигига кучли таъсир этмаган бўлсада, бироқ азот йиллик меъёрининг 75 % и экиш билан бирга қўлланилган вариантда сезиларли даражада фаркланди ва кўрсаткич ўғитсиз – назорат вариантдагидан бир оз кўп бўлди.

**Ғўза фотосинтез соф маҳсулдорлигига экиш билан бирга қўлланилган
азотли ўғитларнинг таъсири, г/м² х сутка**

Тажриба вариантлари	3 – 4 чинбарглик – шоналаш, 3. V – 10. VI	Шоналаш – гуллаш, 10. VI - 10. VII	Гуллаш - ҳосил тўплаш, 10. VII - 10. VIII
1	4,1	3,4	6,8
2	4,7	4,9	7,5
3	5,0	5,1	7,5
4	5,3	5,1	7,4
5	5,2	4,2	7,1

Ғўзанинг гуллаш – ҳосил тўплаш даврида фотосинтез соф маҳсулдорлиги бошқа даврлардагига нисбатан анча юқори бўлиб, вариантлар бўйича 6,8 - 7,4 г/м² х суткани ташкил этди. Бу даврда ҳам ўғитсиз – назорат ва азот билан меъерини 75 % экиш билан бирга берилган вариантлар кўрсаткичи деярли бир хилда бўлди.

Умуман, ғўзада фотосинтез соф маҳсулдорлиги, яъни ўсимликда курук модданинг кўп тўпланиши экиш билан бирга азот йиллик меъерининг 25 ва 50 % и қўлланилган варинатларда кузатилиши аниқланди.

4. 3. Ғўза ҳосилдорлиги

Ўтказилган тадқиқотларда назорат – ўғитсиз варианда пахта ҳосили энг кам бўлиб, ўртача 15,7 ц/га ни ташкил этди. Бунда эришилган ҳосил 2 теримда йиғиштириб олинган бўлса, тажрибада минерал ўғит қўлланган 2 – 5 вариантларда етиштирилган умумий ҳосил 3 теримда териб олинди. Бунга сабаб биринчи вариантда ўғит қўлланилмаганлиги эвазига пахта ҳосили барвақт муддатларда пишиб етилганлигидир.

Тажрибанинг 4 – вариантыда, яъни чигит экиш билан йиллик азот меъёрининг 50 % и берилганда ўртача ҳосилдорлик энг юқори бўлиб, 39,4 ц/га ни ташкил этди ва назорат – ўғитсиз вариантга нисбатан 23,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди (8 – жадвал).

8 – жадвал

Азотли ўғитларни чигит экиш билан турли меъёردа қўлашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири, ц/га

Тажриба вариантлари	Такрорликлар				Ўртача ҳосилдорлик
	I	II	III	IV	
1	17,4	13,3	16,1	15,9	15,7
2	36,2	33,8	34,0	36,3	35,1
3	35,7	39,3	38,6	37,2	37,7
4	39,8	40,8	37,6	39,4	39,4
5	27,1	23,2	25,4	26,2	25,5
Sx %					1,21%
ЭКФ ₀₅					3,5 ц/га

Азотли ўғитлар йиллик меъерининг 25 % и ерни тайёрлаш пайтида қўлланилиб, қолган қисми ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида тенг иккига бўлиниб солинган 2 вариантда пахта ҳосил ўртача 35,1 ц/га ни ташкил қилган бўлса, азотли ўғитларни 25 % чигит экиш билан бирга, қолган қисми шоналаш ва гуллаш даврида қўлланилган 3 вариантда бу кўрсаткич 37,7 ц/га га тенг бўлди ёки бу иккала вариантда деярли бир хил ҳосил олинди.

Азотли ўғитлар йиллик меъерининг 75 % и чигит экиш билан, қолган қисми шоналаш ва гуллаш фазаларида берилган 5 вариантда озик режими бузилганлиги сабабли ҳосилдорлик сезиларли даражада кам бўлди ва ўртача 25,5 ц/га ни ташкил этди.

4. 4. Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари

Маълумки, пахта хом – ашёсига талабнинг ортиб бориши, унинг толаси сифатини жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражага етказиш асосий масалалардан ҳисобланади. Чунки, жаҳон бозорида толанинг технологик белги ва хусусиятлари – тола узунлиги, майинлиги, қуввати ва бошқа белгиларига, айниқса, толанинг микронейр кўрсаткичларига эътибор берилади (Й. Узоқов, Ғ. Қурбонов, 2000).

Г. И. Яровенко (1961) тажрибаларининг кўрсатишича, ғўзанинг азотли ўғитлар билан озиклантириш натижасида чигит оғирлиги ортиб, тола чиқиши кўпайган ва тола индекси яхшиланган. Айниқса, чигит экиш билан бирга азот ўғитининг берилиши сабабли, юқори миқдорда тола чиқишини таъминлаб, тола индексига самарали таъсир кўрсатган.

М. А. Белоусов (1965) тадқиқотларида ғўзанинг илк муддатларда азотли ўғитлар билан озиқлантириш чигитларни оғирлигини ошириш, айниқса, тола чиқишини камайтириши исботланган.

В. М. Ефименко (1976) ўтказилган тажрибаларини умумлаштириб, азотли ўғитлар пахта толаси индексини ва чигитларнинг оғирлигини кўпайтириб, тола чиқишини камайтиради, - деган хулосага келган.

Тажрибада ўрганилган барча вариантларда биринчи теримда пахта толаси I-навга мансублиги аниқланди. Иккинчи теримда азотли ўғитларнинг йиллик меъерини 75 % и чигит экиш билан қўлланилган 5-вариантда II – навли пахта толаси олинди.

Ҳосилдорлик жиҳатдан энг юқори пахта ҳосилига (39,4 ц/га) эришилган 4 вариантнинг 1 – теримида толанинг технологик кўрсаткичлари (тола чиқиши 36,2 %, тола пишиқлиги 4,6 г/к, етилиш коэффиценти 2,1, солиштирма узулиш кучи 27,4 г/к текс) қолган вариантларга нисбатан юқорилиги билан тавсифланди. Худди шунга ўхшаш маълумотлар тажрибанинг 3 – вариантыда қайд этилиб, тола чиқиши 36,0 %, тола пишиқлиги 4,6 г/к, етилиш коэффиценти 2,2, солиштирма узулиш кучи 27,3 г/к тексни ташкил этди (9 – жадвал).

Умуман, чигит экиш билан азот меъерининг 25 ёки 50 % ини қўллаш толанинг технологик кўрсаткичлари яхшиланишига олиб келди.

Толанинг технологик кўрсаткичлари

Тажриба вариантлари	Тола қиши % , чи	Тола узунлиги	Тола қлиги Ғ _к , Миши	Солиштирма узилиш Ғ _к текс	Қўрилганлик коэффициенти ,
1	35,7	34,1	4,5	26,2	2,1
2	36,0	34,2	4,6	27,0	2,1
3	36,0	34,1	4,6	27,3	2,2
4	36,2	34,2	4,6	27,4	2,1
5	35,8	34,2	4,4	27,0	2,0

4. 5. Экиш вақтида тупроқдаги минерал азот миқдорлари

Чигит экилгандан кейинги бешинчи кунда олинган маълумотларнинг кўрсатишича, тажрибанинг назорат – ўғитсиз вариантыда ўғитлар қўлланилмаганлиги сабабли тупроқнинг ўрганилган 0 – 30 см қатламдаги аммоний шаклдаги азотнинг ўртача миқдорлари экиш чизиғи ва ундан 5, 10 см қочириб ҳамда эгат ичидан олинган тупроқ намуналарида 11,0 мг/кг дан ошмаганлиги аниқланди (10 - жадвал).

Экишдан олдин 50 кг/га азот қўлланилган иккинчи вариантда аммоний шаклдаги азот миқдорлари 22,7 – 34,7 мг/кг оралиғида бўлса, экиш билан биргаликда 50 кг/га азот қўлланилган 3 – вариантда бу кўрсаткич 27,3 – 39,1

мг/кг ни ташкил этди. Экиш чизиғи ва ундан 5 ҳамда 10 см узокликдаги тупроқнинг 0 – 30 см қатламидаги аммоний шаклдаги азотнинг ўртача миқдори бир – биридан кескин фарқ қилмади, фақатгина эгат ичида аммоний шаклдаги азот миқдори бироз кам (27,3 мг/кг) бўлди.

10 - жадвал


Экиш пайтида тупроқдаги минерал азот миқдори, мг/кг

Тажриба вариантлари	0 – 30 см да N – NH ₄ миқдори, мг/кг			
	Экиш чизиғи	5 см узокликда	10 см узокликда	Эгат ичида
1	10,5	10,9	10,4	9,7
2	22,7	22,8	34,7	30,1
3	38,8	37,3	39,1	27,3
4	28,2	37,6	49,3	37,0
5	19,7	39,8	56,2	34,6

Мутаносиб равишда экиш билан биргаликда 100, 150 кг азот қўлланилган 4–5 вариантларда аммоний шаклдаги азотнинг миқдорлари ортиб борди. Айниқса, бошқа ҳолларга нисбатан экиш чизиғидан эгат ўртачасига қараб 5 ва 10 см ли масофада унинг миқдори кескин ортганлиги аниқланди.

Тажрибанинг 3 – 5 вариантларида экиш чизиғи, ундан 5 см масофада ва эгат ўртасида аммоний шаклдаги азот миқдори 37,3 – 39,8 мг/кг бўлган бўлса, худди шу вариантларда экиш чизиғидан 10 см қочирилган ҳолда унинг 0 – 30 см даги ўртача миқдори 39,8 дан 57,8 мг/кг гача ошганлиги аниқланди.

Экиш пайтида тупроқнинг 0-30 см қатламидаги N-NH₄ миқдори



1 – диаграмма. Экиш пайтида тупроқнинг 0 – 30 см қатламдаги N – NH₄ миқдори.

Чигит экишдан 10 кундан кейин олинган тупроқ намуналари таҳлилида бешинчи кун қонуниятлари сақланиб қолди.


Чигит экишдан 5 кун кейин олинган тупроқ намуналари таркибида экишдан олдин ёки экиш билан биргаликда азотли ўғитлар қўлланилган вариантларда аммоний шаклдаги азот миқдорлари нитрат шаклидаги азот миқдорига нисбатан бир неча бораборга юқори бўлганлиги аниқланди. Назорат-ўғитсиз вариантда тупроқнинг 0 – 30 см қатламида нитрат шаклидаги азот миқдори 7,7 ва аммоний шаклидаги азот миқдори 9,3 мг/кг бўлса, экишдан олдин 50 кг/га азот қўлланилган 2 – вариантда нитрат шаклидаги азот - 10,3 ва аммоний шаклидаги азот – 34,7 мг/кг ни ташкил этди. Бу ҳолда нитрат шаклидаги азот миқдорига нисбатан аммоний шаклидаги азот миқдорининг ортиқлиги, айниқса, экиш билан бирга 100 ва 150 кг/га азот қўлланилганда мос равишда нитрат шаклидаги азот ва -11,3; 14,7; ва аммоний шаклидаги азот – 49,3; 56,2 мг/кг ни ташкил этди (11 - жадвал).

11 - жадвал

Чигит экишдан 5 кун кейин экиш чизиғидан 10 см ли масофада тупроқдаги N – NO₃ ва N – NH₄ миқдорлари, мг/кг

Тажриба вариантлари	N – NO₃	N – NH₄
1	7,7	9,3
2	10,3	34,7
3	9,6	39,1
4	11,3	49,3
5	14,7	56,2

**Экишдан 5 кун кейин экиш чизиғидан 10 см узоқликдаги
озик моддалар**



2 – диаграмма. Экишдан 5 кун кейин экиш чизиғидан 10 см узоқликдаги озик моддалар.

4. 6. Вегетация даврида тупроқдаги минерал азот миқдорлари

Ўтказилган таҳлилларда ғўза 2 – 4 чинбарг чиқарган даврда тупроқнинг 0 – 30 см қатламида нитрат шаклдаги азот миқдорининг азотли ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги аниқланди. Тажрибанинг 1 ва 2 вариантларида азотли ўғитлар мутаносиб равишда ўғитланмаган ва экишдан олдин 50 кг/га меъёрда қўлланилганда тупроқнинг 0 – 30 см қатламидаги нитрат шаклидаги азот миқдорлари вариантлар бўйича мос равишда 6,9 ва 14,8 мг/кг ни ташкил этди.

Тажрибанинг 3-5 вариантларида нитрат шаклдаги азотнинг тупроқдаги миқдорлари эгат ичида фарқ қилди. Азотли ўғит солинганда албатта, бунда нитрат шаклдаги азот миқдорлари эгат ичига нисбатан экиш чизигида кўплиги билан фарқланди. Масалан, тажрибанинг 5 вариантыда, яъни азот йиллик меъёридан 150 кг экиш билан бирга берилганда 0 – 50 см қатламда ўртача 26,8 мг/кг, эгат ичида эса 7,2 мг/кг, тескари ҳолатда экишдан олдин 50 кг/га азот қўлланилган иккинчи вариантда шу қатламда 11,2 мг/кг, эгат ичида эса 15,9 мг/кг ташкил этди.

Ғўзанинг шоналаш даврида азотли ўғитлар қўлланилиши натижасида тупроқдаги микробиологик жараёнлар кучайиши ва нитрат шаклдаги азот миқдорлари нисбатан кўпайганлиги билан тавсифланади. Бунда ҳам азотли ўғитлар экиш билан бирга қўлланилган вариантларда нитрат шаклдаги азот миқдорлари юқори бўлди.

Айни пайтда чигит экиш билан бирга азот юқори меъёрда (150 кг/га) солинган бўлса, нитрат шаклдаги азот миқдорлари юқори, айниқса тупроқнинг 0 – 30 см ҳайдалма қатламида кўп (43,8 мг/кг) бўлганлиги аниқланди.


Гуллаш даврида тажриба тузилмасига биноан 2 ва 3 вариантларда 75 кг/га дан, 4 ва 5 вариантда 50 кг/га азот қўлланилганлиги сабабли, бу вариантларда тупроқдаги нитрат шаклдаги азот гуллаш – мева туғиш даврларида нисбатан юқори бўлганлиги ва асосий қисми 0 – 30 см қатламларида жойлашганлиги аниқланди. Ўғитсиз назорат вариантда 11,7 мг/кг иккинчи ва учинчи вариантда 38,2 – 37,6 ва 4 вариантда 27,7 мг/кг ни ташкил этди. Тажрибанинг 5 вариантыда нитрат шаклдаги азот миқдори нисбатан кам кўрсаткичи билан ифодаланди. Тупроқнинг бу қатламдаги унинг миқдори мазкур вариантда бошқа вариантларга нисбатан 2 баробар кам бўлиб, 14,4 мг/кг ни ташкил этди. Буни шоналаш даврида азот қўлланилмаганлиги, мавжуд миқдорлари денитрификация ва ювилиш ҳисобига камайганлиги билан тушунтириш мумкин (12 – жадвал).

Вегетация охирига келиб ҳамма вариантларда тупроқдаги нитрат шаклдаги азот миқдори дастлабки миқдорига нисбатан кескин камайди. Назорат – ўғитсиз вариантда тупроқнинг 0 – 50 см нитрат шаклдаги азот миқдори 5,4 мг/кг, тажрибанинг 2 ва 4 вариантларида эса кўрсаткич 10,2 – 13,1 мг/кг оралиғида бўлса, 5 вариантда бу кўрсаткич 7,0 мг /кг ни ташкил этди.

Экиш билан турли меъёрда қўлланилган азотли ўғитларнинг 0 – 30 см қатламдаги N – NO₃ миқдори таъсири, мг/кг

№	3 – 4 чинбарглик даврд	Шоналаш даври	Гуллаш – мевалаш даври	Вегетация охирида
1	6,9	10,3	11,7	5,4
2	14,8	21,7	38,2	13,1
3	14,7	29,6	37,6	13,0
4	13,1	33,3	27,7	10,2
5	10,2	43,8	14,4	7,0

Тупроқнинг 0-30 см қатламида N-NO₃ миқдори



3 – диаграмма. Тупроқнинг 0 – 30 см қатламида N – NO₃ миқдори.

4. 7. Азотли ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрларининг харакатчан фосфор миқдорига таъсири

Олинган тупроқ намуналари таҳлил этилганда назорат ўғитсиз вариантда тупроқнинг 0 – 30 см ҳайдалма қатламида ғўза ривожланишининг 3 – 4 чинбарглик даврида ҳаракатчан фосфор миқдори тупроқда 12,0 мг/кг ташкил этган бўлса, ўғит қўлланмаган вариантларда эса назорат – ўғитсиз вариантдагига қараганда юқори бўлиб, 18,2 – 19,3 мг/кг ни ташкил этди.

Вўзанинг шоналаш даврида тупроқдаги ҳаракатчан фосфорнинг энг кам миқдори 14,1 мг/кг бўлиб, у ўғитсиз – назорат вариантда кузатилди. Энг юқори кўрсаткичлар экиш билан йиллик азот меъёридан 50 ва 100 кг/га миқдори берилган вариантда бўлиб, 23,5 – 25,3 мг/кг миқдордалиги аниқланди (13 – жадвал).

Дала тажрибаси тузилмасига биноан ғўзанинг гуллаш даврида 50 ва 75 кг азот билан бирга бир хилда 40 кг/га фосфор қўлланилганда ўғитсиз – назорат вариантда ҳаракатчан фосфор миқдорига (11,3 мг/кг) нисбатан қолган 2 – 5 вариантларда эса, бу кўрсаткичлар 19,5 – 21,7 мг/кг оралиғида бўлди. Бу даврда ҳам ҳаракатчан фосфорнинг энг юқори (21,7 – 20,3 мг/кг) миқдорлари 4 ва 3 вариантларда кузатилди.

Тажрибанинг 5 вариантыда фосфор миқдорлари аниқланган муддатларда 3 – 4 вариантлардаги сингари бўлсада, шоналаш фазасида азот қўлланилмаганлиги боис тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори ўғитсиз - назорат вариантыдаги (13,3 мг/кг) сингари бўлди.


**Экиш билан бирга азотли ўғитларни турли меъёردа қўллашнинг
тупроқнинг 0 – 30 см қатламдаги ҳаракатчан фосфор**

миқдорига таъсири, мг/кг

Тажриба вариантлари	3 – 4 чинбарглик даврида	Шоналаш даврида	Гуллаш – мевалаш даврида	Вегетация охирида
1	12,0	14,1	11,3	9,3
2	18,2	21,2	19,5	17,1
3	18,7	23,5	20,3	18,2
4	19,0	25,3	21,7	18,6
5	19,3	20,4	13,3	9,9

Ушбу даврларда ёзани азотли ўғитлар билан бирга фосфорли ўғитларни қўшиб озиклантириш муҳим аҳамият касб этиб, репродуктив органлар пайдо бўлишига, ҳосил пишиб етилиши ва тезлашишига, сифати ошишига ўз таъсирини кўрсатди.

Тупроқнинг 0-30 см қатламида P₂O₅ миқдори



4–диаграмма. Тупроқнинг 0 – 30 см қатламида P₂O₅ миқдори.

4. 8. Ғўзанинг озиқа моддаларини ўзлаштириши

Тажрибада ўғитсиз – назорат вариантыдаги ўсимликлар олиб чиққан азот, фосфор, калий миқдорлари мутаносиб равишда ўртача 65,27; 29,81 ва 144,42 кг ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар бошқа вариантларга нисбатан камлиги билан тавсифланади.

Тажрибанинг 2 – 3 – 4 ва 5 вариантларида ўсимликлар гектаридан 148,92 – 162,37 кг азот, 57,25 – 62,52 кг фосфор ва 165,74 – 168,81 кг калий ўзлаштирилган бўлса, азот ўғитларнинг йиллик меъёридан 150 кг чигит экиш билан, қолган қисми шоналаш фазасида қўлланилган 5 вариантда эса гектаридан 160,59 кг азот, 62,07 кг фосфор ва 154,43 кг калий ўзлаштирилганлиги аниқланди (14 – жадвал).

Бир тонна пахта ҳосили яратилиши учун тажрибанинг ўғитсиз–назорат вариантыда 35,1 кг азот, 12,1 кг фосфор ва 36,5 кг калий сарфланган бўлса, 2–5 вариантларида бу кўрсаткичлар тегишли равишда 38,8 – 40,2 кг; 14,6 – 17,2 кг ва 38,2 – 40,9 кг оралиғида бўлиб, энг кўп ўзлаштириш азот йиллик меъёрининг 50 % и чигит экиш билан бирга ва қолган қисми тенг иккига бўлиб, ғўзанинг шоналаш ва гуллаш фазаларига қўллаш вариантыда кузатилди.

Вўзанинг NPK ўзлаштириши

Тажриба вариантлари	Азот		Фосфор		Калий	
	кг/га	%	кг/га	%	кг/га	%
1	65,27	5,43	29,81	1,79	114,42	8,30
2	148,92	7,94	57,25	2,24	165,74	8,70
3	156,64	8,13	62,52	2,28	168,81	8,76
4	162,37	7,51	61,93	2,20	166,25	8,70
5	160,59	6,29	62,07	2,10	154,43	8,64

4. 9. Экиш билан бирга азотли ўғитлар қўлашнинг иқтисодий самарадорлиги

Мустақил республикамизнинг суғорилиб деҳқончилик қилинаётган тупроқлари шароитида етиштирилаётган пахта ҳосилдорлигини оширишда асосий омилардан бири бу азотли ўғитлардан самарали фойдаланиш ва унинг самарадорлигини оширишдир.

Ўтлоқ – бўз тупроқлар шароитида турли меъёр ва муддатда азотли ўғитларни қўлашнинг пахта етиштиришдаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай шароитда қўлланиладиган минерал ўғитлар, айниқса азотли ўғитларни чигит экиш билан қанча меъёрда қўлашнинг иқтисодий самарадорлиги етарлича ўрганилмаган.

Шунинг учун ҳам турли меъёр ва муддатда қўлланилган азотли ўғитларнинг ўтлоқ – бўз тупроқлар шароитида иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинди.

- Тажриба даласида қўлланилган ўғитларнинг қиймати, сўм
- Минерал ўғитларни ташиб келтириш, далага чиқариш ва ерга солиш учун сарфланган харажатлар, сўм.
- Турли меъёр ва муддатда азотли ўғитларни қўллаш ҳисобига етиштирилган қўшимча пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун сарфланган жами харажатлар миқдори, сўм.
- Тажриба ўтказилган хўжалик шароитида давлатга сотилган ҳар бир центнер пахтанинг қиймати, сўм.

Ўтлоқ – бўз тупроқлар шароитида пахта етиштиришда қўлланилган азотли ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш натижаларини кўрсатишича, қўлланилган барча меъёр ва муддатдаги азотли ўғитлар қўшимча пахта ҳосили етиштиришни таъминлади, яъни ўғитларни харид қилиш учун хўжаликка ташиб келтириш, далаларга чиқариш ва ерга солиш учун сарфланган барча харажатлар етиштирилган қўшимча ҳосил миқдори билан тўлиқ қопланганлиги аниқланди.

Ўтлоқ – бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ўсиши, ривожланиш ва ҳосилдорлигига турли меъёр ва муддатда азотли ўғитларни қўллаш бўйича ўтказилган дала тажрибалари натижаларини таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш керак.

Тажриба вариантлари бўйича олинган кўрсаткичлар орасида фарк кузатилиб назорат – ўғитсиз вариантда 1 га майдонга 466850 сўм харажат қилиниб, гектарига 200 кг азот ўғити сарфланганлиги эвазига 2 ва 5 вариантларда жами харажатлар 827700 сўмдан 1000810 сўмгача ўзгарди. 1 ц маҳсулот таннархи эса вариантлар бўйича 25401 минг сўмдан 36813 сўмгача бўлиб, энг юқори соф даромад тажрибанинг 4 вариантыда кузатилди ва 496390 сўмни ташкил этди (15 – жадвал).

15 – жадвал

Экиш билан бирга азотли ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги

Тажриба вариантлари	Ўртача ҳосилдорлиги ц/га	1 гектар қилинган харажатлар	1 гектарга жами даромад	1 дой сўм хсулот ма сўм сўм олинган таннархи	Шартли йда жами сўм ,	Рентабеллик фо %
1	15,7	466850	596600	29736	129750	27,8
2	35,1	976740	1333800	27827	357060	36,5
3	37,7	980910	1432600	26019	451690	46,0
4	39,4	1000810	1497200	25401	496390	49,6
5	25,2	827700	957600	36813	129900	15,7

даражаси

Назорат – ўғитсиз вариантида шартли соф фойда 129750 сўм, рентабеллик даражаси 27,8 % бўлган бўлса, 4-вариантда бу кўрсаткичлар бошқа вариантларга нисбатан энг кўплиги (шартли соф фойда 496390 сўм, рентабеллик 49,6 %) билан тавсифланди. Азотли ўғитлар йиллик меъерининг 25 % и чигит экиш билан бирга қолган қисми тенг иккига бўлиб шоналаш ва гуллаш даврларида қўлланилган вариантда ушбу кўрсаткичлар 4- вариантга нисбатан бироз камроқ бўлди.

Тажрибанинг 5 вариантида эса ҳисобланган иқтисодий самарадорлик бўйича кўрсаткичлар энг паст бўлиб, тегишли равишда шартли соф фойда 129900 сўм, рентабеллик атига 15,7 % ни ташкил этди.

ХУЛОСА

Самарқанд вилояти ўтлоқ – бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, пахта ҳосили ҳамда сифатига азотли озикланиш режими, экиш билан бериладиган меъёри, қўллаш муддатларининг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижаларини умумлаштириб қуйидаги хулосалар чиқарилди.

1. Азотли ўғитлар йиллик меъёрнинг 25 % и чигит экиш билан бирга, қолган миқдори ғўзанинг шоналаш ва гуллаш давларида қўлланилганда ўсимлик бўйи 77,8 см, кўсақлар сони 11,9 ва олинган кўсақлар 9,9 донани, азот йиллик меъёрининг 50 % чигит экиш билан, қолган қисми шоналаш ва гуллаш фазаларида қўлланилганда кўрсаткичлар 77,2 см, 12,5 ва 10,6 донга бўлди.

Экиш билан бирга азотнинг кам ёки кўп қўлланилишида ўсимликлар бўйининг паст ёки баланд, кўсақлари кам ва майда бўлиши, айниқса гуллаш ва мевалаш даврида тупроқдаги нитрат шаклидаги азотнинг камлиги эвазига озикланиш режими бузилади.

2. Ғўзанинг озикланиш режими бузилганлиги боис баргларнинг ассимиляция юзасининг кичик ($4670,3 - 4300,2 \text{ см}^2$) бўлиши, ўсимликларда қуруқ модда кам ($92,20 - 103,20\text{г}$) тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги кам ($6,8 - 7,1 \text{ г/см}^2\text{хсутка}$) бўлиши кузатилди.

Азот йиллик меъёрининг 25 ва 50 % и қўлланилганда ўсимликлар мақбул ўсади, уларда ассимиляция юза қулай шаклланади, қуруқ модда кўплаб тўпланади, фотосинтез маҳсулдорлиги ортади.

3. Экиш билан бирга йиллик азот меъерининг 25 ва 50 % и қўлланилганда ҳосилдорлик энг юқори (37,7 – 39,4 ц/га) бўлади ва назорат – ўғитсиз вариантга нисбатан 22,0 – 23,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинади, бундай қулай озикланиш режимида толанинг технологик кўрсаткичлари яхшиланади, тола чиқими ва пишиқлиги ортади.

Азот йиллик меъерининг 25 % и ерни тайёрлаш пайтида ёки 75 % и чигит экиш билан берилганда ҳосилдорлик сезиларли даражада камаяди.

4. Чигит экиш билан биргаликда 25 – 75 % азот қўлланилгандан кейинги биринчи ўн кунлик мобайнида, тупроқнинг 0 – 30 см ли қатламидаги аммоний шаклидаги азот миқдори нитрат шаклидаги азотга нисбатан қарийб 3 баробарга ортиқ бўлади. Чигит экилгандан 5 ва 10 кун кейин юқори миқдорда аммоний шаклдаги азот тўпланиши (67,4 мг/кг гача) экиш чизиғидан 10 см ли масофада ва тупроқнинг 0 – 30 см қатламида кузатилади. Бунда экиш билан биргаликда ишлатилаган азотли ўғит меъери ортиши билан тупроқдаги аммоний шаклдаги азот миқдори кўпаяди. Экиш чизиғи, ундан 5 см масофада ва эгат ўртасидаги тупроқ қатламидаги аммоний шаклдаги азот миқдорлари нисбатан (5 – 9 мг/кг) кам бўлади.

5. Экиш билан азот йиллик меъеридан 75 % и қўлланилган вариантда тупроқнинг 30 см ли қатламида азотнинг ($N - NO_3$, $N - NH_4$) энг юқори миқдорлари ниҳолларнинг униб чиқиш пайтида ғўзанинг шоналашгача бўлган даврда кузатилади. Ўсимликларнинг азотга бўлган талаби энг кучли бўлган гуллаш – мевалаш даврида бу вариантдаги нитрат шаклдаги азот миқдори бошқа вариантларга нисбатан 2 – 3 баробар кам бўлади. Бу эса,

ғўзани озикланиш режими бузилишига сабаб бўлади. Азотли ўғитларнинг йиллик меъеридан 25 % ва 50 % экиш билан бирга, қолган қисимлари ўсимликларнинг вегетация даврида қўлланилганда юқоридагига нисбатан тескари ҳолат кузатилади ва нитрат шаклидаги азот миқдорлари ғўзанинг 2 – 4 чинбарг давридан то гуллаш – мевалаш даврига қадар ортиб бориб, кейинчалик пасаяди. Бу эса ғўзанинг мақбул озикланиш режимидир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР

Самарқанд вилояти гидроморф ўтлоқ – бўз тупроқлари шароитида ғўзада қўлланиладиган азотли ўғитларнинг йиллик меъери 200 кг/га ни ташкил этганда азотни қуйидаги муддат ва меъёрларда:

- Йиллик меъёрдан 25 % и ёки 50 кг экиш билан бирга, қолган қисми эса тенг иккига бўлиб, шоналаш ва гуллаш даврида;
- Йиллик меъёрдан 50 % и ёки 100 кг экиш билан бирга, қолган қисмини эса шоналаш ва гуллаш даврида қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. - “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тарақиёт йўли” Тошкент Ўзбекистон, 1992 й.
2. Каримов И. А.– “Дехқончилик тарақиёти – фаравонлик манбаи”. Тошкент, 1994 йил.
3. Каримов И. А.– “Қишлоқ хўжалик тарақиёти тўқин ҳаёт манбаи. Ўзбекистон Олий Мажлиси 3–сессиясида қилинган маърузаси”. Тошкент, 1998 йил.
4. Авлиёқулов А.Э. – “Жаҳон ва Ўзбекистон пахтачилик ва ғаллачилиги: кеча, бугун, эрага” / илмий тўплам. 2004 йил. 22 бет
5. Агрохимические исследования почв . М. 1975.
6. Ахмаджон Х. – “Ўғит солишинг янги усули” / Ўз. Қ.х. 1996 йил №1 18 бет.
7. Балашев Е.П. и др. – “Климатическое описание Зарафшонского района” Л. 1963. стр 119.
8. Белоусов М.А. – “Корневое питание хлопчатника” В.кн. хлопчатник, Т.IV. Т. 1960
9. Белоусов М.А. –“Влияние удобрений на качество семян и волонно хлопчатника”. // В.сб. Действие удобрений на урожай и его качество М. Коллос, 1965.
10. Белоусов М.А. –“Физиологические основы корневого питания хлопчатника” Т. Фан 1975.

11. Белоусов М.А., Зеленин Н.Н., Кодратюк В.П. – “Удобрения и агротехника возделывания хлопчатника” Т. 1976, 35 бет.
12. Бобожонов И., Адхамов Х. – “Истиқболли технология” Ўз. к. х. 1982. № 5 20 бет.
